

# Saodat

4/2010

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар журналі

## 2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

— Сизларнинг тимсолингизда вужудидан куч-ғайрат ёғилиб турган, ўз олдига юксак мақсадлар қўйиб, янги дунёқараш, янги тафаккур билан ҳаётга кириб келаётган, биз бошлаган ишларнинг давомчиси бўлган навқирон авлодни кўрамиз, — Президентимизнинг «Универсиада — 2010» иштирокчиларига йўллаган табрик хатидаги бу самимий сўзлар мусобақа майдонларида йигит-қизларга чексиз илҳом бахш этди.

Андижон шаҳрида уч кун давом этган Универсиада мусобақаларида 1800 нафарга яқин ёшлар спортнинг 12 тури бўйича беллашдилар. Курашларда ғолиб ёшлар 176 та олтин, 176 та кумуш ва 191 та бронза медалига сазовор бўлдилар. Тошкент шаҳри жамоаси биринчи, Андижон, Навоий вилояти спортчилари эса иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаб, «Дамас» автомобили билан тақдирландилар.

ЎЗА ФОТОЛАРИ.



# НАВҚИРОН ЁШЛИК БАЙРАМИ

## ТАЛАБАЛИК БАҲОРИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, кетма-кет ташкил этилаётган спорт мусобақалари, санъат фестиваллари, турли кўргазмалар, фан олимпиадалари... Ёшлар кўёшга интилган ниҳоллардай, дарёни орзулаган ирмоқлардай бу имтиҳон майдонларига ошиқадилар. Чунки улар бугун замон, истиқлол берган қалбидаги қувват, тафаккуридаги мақсад билан сокинликка сиғмайдилар. Беором, бедор яшаб бўлса-да, ҳаётда қадр топишни, ўзининг меҳнат самараси билан «ёшлик» деб аталмиш долғали бир оламнинг бетакрор тўлқини бўлгиси келди.

Гулистон давлат университети биология ва табиатшунослик факултети аълочи талабаларидан бири Комила Аҳмедовани ҳаёт ва экология муаммолари қизиқтиради.

— Бағрида нур ўйнаётган чашма ё капалаклар учиб-қўниб юрган рангин гулзорларнинг рангларини рассом кўради. Шоирга эса улар Ватаннинг бир парчаси бўлиб туюлар, балки. Мен табиатшунос сифатида уларни инсон саломатлиги билан уйғун ҳолда кўраман. Табиатни асраганимиз — ўзимизни асраганимиз, — дейди Комила.

У талабалик вақтининг ҳар сониясини чиройли бир ишга айлантиришни хоҳлайди. Шу мақсадда тенгдош қизлар орасида «Баркамол авлод» йилида ўтказилган «Олийгоҳ маликаси» кўрик-танловида ҳам иштирок эди. Фанларга қизиқиши, дарсдан ташқари тадбирларда фаол иштироки, интеллектуал салоҳияти баландлиги туфайли Комила Аҳмедова «Олийгоҳ маликаси» дея шарафланди.



## «Saodat» даврасига шошилинг!

### АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

Қадрдонингиз «Saodat» журнаliga 2011 йил учун обуна бошланди. Биламиз, сиз таниқли адиб ва адибаларимизнинг янги асарларини соғиниб кутасиз. Шоирларимизнинг кўнгил дунёларига ҳароратли сатрлари билан киргингиз келади. Тадбиркорлик калитини қўлга киритишни истайсиз. Эндигина урфга кирган либосларни кийгингиз, ширин таомлар пишириб, меҳмон кутишни орзулайсиз.

«Saodat» ўзининг сермазмун саҳифалари билан сизнинг барча истакларингизни рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Беминнат дўст, оқил маслаҳатгўй сифатида маънавий токчангизнинг зийнати, ўзингизнинг эса сирдошингиз бўлиб қолишига шубҳа йўқ. «Saodat» қалбингизга ошиқмоқда. Сиз ҳам у тарафга шошилинг!



*Раъно*

Ўзбекистон осмонини уч фасл тарк этмайдиган кўёш, шу кўёшни «ичиб» ўсган гиёҳларда, сувини ҳовучласанг кафтларинг тасарадиган булоқ ва чашмаларда, товонинг тегса, учкун сачрайдиган қувватбахш тошларида инсон саломатлиги учун керак барча дори-дармонлар мавжуд. Истиқлол йилларида Ўзбекистон фармацевтика саноати

Ёшлик умр баҳорига ўхшайди. У ҳақда ўйлаганда кўнгилни энг учқур орзулар уйғотади. Ёшликнинг жасорати, интилишлари олдида ҳаёт муаммолари кичрайиб кўринади. Яшаётган йилимизга муҳтарам Президентимиз тарафидан «Баркамол авлод» дея ном берилиши бу бетакрор фаслни қалбимизга яна ҳам яқинроқ келтиради. Кўз ўнгимизда камолга етаётган навқирон соф фазилатлари ёркинрок намоён бўла бошлади. Бу сафнинг бир

тарафида истиқлолнинг дастлабки йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати турганлиги бугун кўпчиликка аён. Йигит-қизларимизнинг фақат бошловчиси эмас, дўсти, маслаҳатгўйига айланган бу ташкилот ўз йиллари — «Баркамол авлод» йилида қандай муваффақият, мақсад ва интилишлар билан яшайпти? «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раис ўринбосари

## БАРКАМОЛ АВЛОД

Тошкент давлат фармацевтика институти талабаси Раъно ЗИЁМУҲАММЕДОВА, ЎзМУ талабаси Гулчеҳра ҲОЖИЕВА, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти магистранти Рашида ҲАСАНОВА, Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети магистранти Нигина ШИРИНОВАлар меҳмонимиз.

кўпроқ маҳаллий хомашёлар асосида дори тайёрлашга алоҳида аҳамият бермоқда. Раъно Зиёмухаммедова устозлари ёрдамида доришунослик соҳасига чуқурроқ киришни истайди. Унинг «Янги сирт фаол моддалар иштирокида висмут (нитрат) эмулсиясини олиш», «Вилоят асаб касалликлари шифохоналари стандарт формулярига киритилган дори воситаларининг таҳлили» сингари маърузалари устозлари ва тенгдошларида катта қизиқишни уйғотди. Доришунослар заргарларга ўхшаб мисқоллар билан ишлайди. Кўзи ўткир, зехнли, ҳаракатлари аниқ

бўлиши керак. Раъно ўзида шу фазилатларни шакллантириш учун хотира машқларини тарк этмайди, спорт билан шуғулланади. «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти лидер қизлар етакчиси.

— Лидер қизларни амал ёки мансабга интилаётган саф, деб тор тушунмаслик керак. Ўз қадрини билиш, қалбида шахсий «мен»ини шакллантириш, оилада ва жамиятда ўз ўрнини топишга интилиш — бизнинг асосий мақсадимиз, — дейди Раъно. Унинг овози ҳаракатлари, сўзларидай ишончли.



*Рашида*

Талабанинг ўқиш баробарида ишлаши бугун табиий жараёнга айланди. Ҳам илм оласан, ҳам тажрибанг ошади. Рашида Ҳасанова пойтахтдаги «Болажон» фирмасида модельер-дизайнер бўлиб ишлайди. «Талабалар баҳори — 2008» фестивалида эса архитектура, қурилиш, маданият ва спорт йўналиши бўйича иккинчи ўринни олди.

— Қизиқишларим бир-бирини тўлдиради. Пазандачиликка ҳам қизиқаман. Чучвара тугсам, уйдагилар гулга ўхшатибсан дейишади. Иши кўпроқ, лекин дастурхонда жуда

чиroyли туради, — дейди Рашида.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари ўтказган иқтидорли талабалар танловида иштирок этиш, дарслар, маърузалар ёш магистрантда ижтимоий фалонлик ҳиссиётларини шакллантиради, шахсий қизиқишлари уни оилага тайёрлайди. Рашида бугунги барча маъсулиятли ёшлар каби бу икки тарафни инсоннинг бахтли яшаши учун икки таянч деб билади.

**Феруза МУҲАММАДЖОНОВА:**  
— XXI аср бутунлай бошқа бир даврни бошлаб берди. Гугурт кутисидай техника жиҳозини ишлатиш учун ҳам чуқур техникавий билим керак. Тадбиркорликни бошлаш учун бизнес режа тузишни билиш, иқтисодий, ҳуқуқий билим зарур. Ҳатто, радиодаги эшиттириш, телевизордаги кўрсатуви ҳам тайёргарликсиз кўриб бўлмайди. Демак, асримиз Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «интеллек-

туал бойлик ҳукмронлик қиладиган давр». 2005 йилдан буён «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Келажак овози» мега-танловида 160 мингдан зиёд йигит-қизлар иштирок этди. Бир шоирамиз айтганидай, уларнинг ҳар бирининг юрагида битта буюк Ўзбекистон уйғонмоқда, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши томонидан талабаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган «Камолот» стипендияси совриндорлари ҳақида «Saodat» мухлисларига ҳикоя қилсангиз арзийди.

# МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИДИР



*Гулчехра*

Ўзбекистон Миллий университетидеда қадим қадриятлар ва замонавийлик уйғунлашган ҳавас қиларли бир муҳит мавжуд. Қўлини кўксига қўйиб, суҳбатдошига «устоз-устоз» дея мурожаат қилаётган ёқимтойгина қиз — Гулчехра Ҳожиева ҳам ана шу муҳитда камолга етганлиги фикрлашидан кўриниб турибди.

— Университет остонасига қадам қўйибманки, атрофим доим иқтидорли талабалар билан гавжум.

Кўплар учун жумбоқ бўлиб туюладиган фалсафа фанидан илмий иш қилаётган Эркин Калонов, тил ўрганишдан завқ топадиган, турли тиллардаги ибораларни куй-қўшиқлардек эшитадиган Ҳафиза Олланазарова, санайверсам, бармоқларим етмайди, улар орасида оддий талаба бўлиб яшашнинг имкони йўқ, — дейди Гулчехра.

Ўзининг ҳам сумкачасида қоғоз, қалам билан бирга мўъжазгина француз тили луғати юради. Морис Дрюн-

нинг «Омадга қарши ўғил» асарини ўзбек тилига ўғирди. Шеър, новеллалари матбуотда чоп этилиб турибди. Адабиётга яқинлиги, кўп ўқиши, нотикликни ҳам инсоннинг битта фазилати деб ҳисоблагани учун «Сиз Президент асарларини биласизми?» эсселар танлови ғолиби бўлди.

Нигина Бухоро шаҳридаги «Ёшлар» марказида координатор бўлиб икки йил ишлади. Ўқувчилигида аъло ўқийман, синфнинг лидери бўлман, деб китобга мук тушиб, ўзини ўзи кузатмаган экан. Ёшларнинг саволлари кўп экан, тақиллатадиган эшиклари, тутқичини тортадиган дарчалари беҳисоб экан. Нигина улар орасида юриб инглиз, рус тилларига қизиқди. Ўзга тилларни Маҳмуд Қошғарий, Навоий тилларига қиёсласи келди. Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети талабаси бўлгач, бу нияти амалга оша бошлади.

Новосибирск шаҳрида МДХ давлатлари ёшлари ўртасида ўтган «Олимлар мак-

таби» анжуманида «Рус тилининг Ўзбекистондаги ўрни», «Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш» мавзуларида қилган маърузалари тингловчиларда қизиқиш уйғотди. «Камолот» ЁИХ Бухоро шаҳар бўлимида «Ҳуқуқий дебют» клуби раҳбари. Шу баҳонада она шаҳрига тез-тез келиб туради. Клуб машғулотларига тайёрланиш ўзи учун ҳам жиддий имтиҳон.

— Тенгдошларимизнинг ўз илдизларидан узилиб кетмаётганлиги, қадриятларни қадрлашимизни бошқа миллат ёшлари ҳам ҳурмат қилади, — дейди Нигина.

**Ўз мухбиримиз.**



*Нигина*



## ТЕМИР «ТУЛПОР» ЧАВАНДОЗЛАРИ

*Бундан етти-саккиз йил аввал ҳам кўча-кўйда машина бошқараётган аёл кишига кўзи тушса, кўпчилик ҳайратланар эди. Бугунги кузатишларимиз аёл ҳайдовчиларимиз кўпайиб бораётганини кўрсатяпти. Кўрганга кўз ўрганади. Опа-сингилларимизнинг темир «тулпор»ларни «ўйнатиб» юргани ҳеч кимни ажаблантирмайди. Барибир аёл кишининг шунча тез фурсатда техникани ўзлаштириб олиши, доимий ҳаракатдаги йўлни ақли, тафаккури билан ўзига «бўйсундириши» жуда катта руҳий ўзгаришлар жараёнидир. Баъзан кимлардир бу жараённи қабул қилмасликка, унга нописанд қарашга уринади. Аёл бошқараётган машинани йўлдан сиқиб чиқаришга ё бемаврид сигнал чалиб чўчитишга ҳаракат қилади. Бу — ўткинчи ҳолатлар. Чунки тараққиёт барибир аёлни рулга ўтқазади. Агар эътибор берган бўлсак, хорижда бувининг, онанинг, набиранинг ҳам ўз улови бор. Бу уларнинг ўз юмушларини енгиллаштиришдан ташқари, шахснинг эркинлигини ҳам таъминлайди. Ўзини ўз вужудда эркин ҳис қилишга имкон яратади. Бизда бу ҳолат энди бошланди.*

*Турли соҳа кишилари билан суҳбатлашиб, ана шу қизиқарли жараённи таҳлил қилишга уриндик.*

### Техника фанлари номзоди Гулчеҳра ТУРСУНОВА:

— Ҳар қандай ўзгариш, янгиланиш ўз-ўзидан содир бўлмайди. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда автомобилсозлик саноатининг ривожланиши, шу баробарида хориж билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилиб, юртимизга турли моделдаги машиналарнинг кириб келиши аёлларимизда техникага бўлган қизиқишини кучайтириб юборди. Ўз машинанг ёнингда ярақлаб турса, мингинг келмайдими?! «Нексия», «Матиз» русумли машиналаримизни бошқариш опа-сингилларимиз учун анча қулай. Айниқса, «Матиз»ни тирбанд жойларда ҳам буриш, айлантириш осон. Мен ўзим Германияда ишлаб чиқарилган «Вольсваген гольф» русумли машинани бошқараман. Биз энди бўлажак автомобилчи талабаларга дарс бераётганимиз учун ҳар хил русумдаги машиналарни яхши билишимиз керак. Аёлларга қайси русумдаги машиналар оғирлик қилади, дейсизми? Ҳозир кам қолган-у, бироқ «ГАЗ-31», «ГАЗ-34»

машиналарини бошқариш оғирроқ. Баъзи антиквар моделларга қизиқадиган опа-сингилларимиз ҳам бу машиналар билан таваккал қилмагани маъқул.

### Инструктор Мирвосил МИРСАИДОВ:

— Аёлларни ҳайдовчиликка ўргатиш ишимизда янги бир йўналиш ҳосил қилди. Чунки эр кишилар озми-кўпми тайёргарлик билан келади. Аёлларни эса кўпинча ибтидодан бошлаб ўргатамиз. Аввалига рулни ҳадиксираб тутган аёлларимиз жуда тез фурсатда энг тиришқоқ ўқувчига айланади. Аёллар кўпчилик ичида сўраган саволимизга жавоб бера олмай, қизариб қолишдан уялади. Шунинг учун астойдил дарс қилишади. Барибир уларга алоҳида ёндошамиз. Кўнгилларига қараб, юмшоқ гапириб ўргатамиз.

### Акушер-гинеколог Шаҳноза РАҲМАТОВА:

— Сиз телефонда савол беряпсиз, ўнг келганини қаранг. Мен айни дамда машина бошқаришни ўрганяпман, ёнимда — инструктор. Аёлнинг

рулга ўтиргани аввало ўзига фойда. Унинг югурюгури кўп: боқча, мактаб, бозор. Машина ишларини осонлаштиради. Йўлини яқинлаштиради. Юк кўтармайди, иссиқ-совуқда транспорт кутиб бекатда туриб қолмайди. Фақат жуда совуқ кунларда опа-сингилларимиз мотори қизимаган машинага ўтирмагани маъқул. Эри, ака-укаси, фарзанди қизитиб берса, уни шамоллашдан асраган бўлади.

**Солиқ инспектори Дилшоджон АШРАПОВ:**

— Биз рулни аёллар қўлига бериб уларга яхши шароит яратиб бердик, дея ўйляяпмиз. Аслида шундаймикин? Уларга яна битта қўшимча юмуш юкламадикми? Ўзининг аравангни ўзинг тортавер, демадикми? Аёл эрига боғлиқ (асло қарам эмас) бўлса, бориш-келишини у билан ба-маслаҳат қилса, оила мустаҳкам бўлмайдимиди?

Аёлимга энгил бўлсин, деган эркак ўзи рулга ўтириб, бола-чақасини орқасига олиб, уй-рўзгор, бошқа юмушларини битиради. Бошида бошпаноҳи бўлмаган аёллар, то ўгли қанотига киргунча, рулга ўтирса мумкиндир, лекин оила-

**Биз рулни аёллар қўлига бериб уларга яхши шароит яратиб бердик, дея ўйляяпмиз. Аслида шундаймикин?**

уларнинг организми барибир нозик. Шунинг учун узоқ рулда ўтирганларида умуртқа, бел чурралари ҳосил бўлиши эҳтимоли кўпроқ.

**Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ инспектори Мирзоулғбек АЛИМОВ:**

— Аёлларимиз машинани хушёр бошқаришади, йўл қодаларига тўлиқ амал қилишга ҳаракат қилишади. Ахир, улар ўзидан ҳам кўпроқ оиласи, фарзандларини ўйлайди-да. Шунга қарамай, улар ҳам йўл транспорти ҳодисаларини содир этиб туришади. Ахир, йўлда фақат улар юрмайдикур. Бошқаларнинг қоидабузарлиги ҳам уларга таъсир қилади. Аёл барибир рулда ҳам аёл, унинг юраги нозик, тез титроққа тушади. Шунинг учун

эр кишилар улар билан ёнма-ён ёки олдинма-кетин юрганида опа-сингилси, қизи билан кетаётгандек масъулиятли бўлиши мақсадга мувофиқ.

Машинага ўтирганда аёллик эҳтиром, бироқ имтиёз эмас. Буни ёш қизларимиз, энди рулга ўтирган, юраги қувонч, гурурдан потирлаб турган баъзи қизларимиз тушунмай, бизни озгина ранжитишади. Ҳа, майли, йўл юрса, босилиб қолади, деб гоҳо кечиримли бўламиз.

Нима бўлгандаям, ўн, ўн икки йиллар орасида аёлларимизнинг турли русумдаги машиналарни обдон ўзлаштиргани биз учун тараққиётдир.

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА ёзиб олди.**

**ЁКИ РУЛДАГИ АЁЛ**

си тўқис, бут опа-сингилларимиз учун бу заруратни хонадон эркаги ўз уddасига олгани маъқул.

**Муҳандис Жамолиддин МУРОДОВ:**

— Рафикам Дилоромхон менинг рухсатим билан машинага ўтирган. Тўғрироғи, ўзим унга машина олиб берганман. Ҳозир қизимиз Дилафрўзхонни ҳам ҳайдовчиликка ўқитяпмиз. Албатта, аёл кишининг машина бошқариш одоби бор. Масалан, қариндош-уруғларимизникига, айниқса, менинг уруғларимизникига борсак, ўзим рулга ўтирман. Уларнинг ҳайдовчилик қилиши менталитетимизга тўғри келмайди, деб ўйлаш ноўрин. Ахир, ишдаги аёл тўғри келган машинага қўл кўтариб, ўтиргандан кўра ўз машинасида юргани ишончлироқ, чиройлироқ эмасми? Ҳам ўзининг кўнгли тинч, биров кўриб қолса, тўғри тушунармикан, деган безовталиги йўқ, ҳам биз — хотиржам. Лекин, тўғриси айтсам, хотиним рулни жуда ишонч билан бошқарса-да, хавотирим бўлади. Бир гал бировнинг айби билан кичкина авария бўлган. Дилором йўлдан кўнгироқ қилган эди:

— Ҳеч нарсани ўйламай, дўхтирга жўна, кўриқдан ўт! Машина турган жойида қолсин, ўзим бо-раман! — деганман.

Рости, жуда кўрқиб кетганман. Аммо, бу бир бўлган-да.

**Невролог Нодира ШОДИЕВА:**

— Опа-сингилларимиз рулга жуда ярашади. Соғлом, кучли-қувватли аёллар учун рулга ўтиришнинг ҳеч хавотирли жойи йўқ. Фақат 45-55 ёшлар орасида, аёл климакс ҳолатини бошдан кечираётганда ҳайдовчилик қилиш бироз масъулиятни талаб этади. Қон босими ошиши, кўз олди туманлашиши, тез асабийлашиш ҳолатлари тўғри бошқаришга халақит бериши мумкин. Аёллар ҳайдовчиликни касб қилмаганлари маъқул. Чунки



**ТАҲРИРИЯТДАН:**

Ранг-баранг фикрларни ўқидингиз. Техникани ўзим биламан, деб айти чоғда иқтисодий тежамкорликни ўйлаб, далаларда трактор бошқараётган фермер аёлларнинг, автобус, троллейбус, трамвай ҳайдаётган опа-сингилларимизнинг ҳам бу борадаги фикрларини билгимиз келади. Ёзинг, кўнгироқ қилинг, мавзу давом этади.



**1991 йил.** Ўзбекистонимизда мустақиллик тантана қилган хушбахт кунларда фарзандларимизнинг учтаси талаба эди. Ўғилларимиз Ёрқинжон ва Эркинжон Ортиқовлар Новосибирскдаги ҳарбий олийгоҳда ўқишарди. Ўқишни тугатгач, улар Ўзбекистонимизнинг ҳақиқий ватанпарвар йигитлари бўлишди. Биздан неча юз километрлар олисда ишлашса-да, она-Ватан ҳимоясида меҳнат қиляпмиз, деб гурурланишади.

Ўқишни тугаллаб, бағримизга қайтишади, деб ўйлабмиз. Бир куни Эркинжон менга деҳқонча қилиб тушунтирди:

— Онажон, биз энди Ватаннинг болаларимиз. Биз унинг ҳимоячиларимиз. Ватан қаерга жўнатса, гапимиз битта бўлади: «Биз тайёرمىз!»...

Бу гаплардан кейин уларнинг олисларда ишлашларига кўникиб кетдик. Ёрқинжон ишни Андижондаги Балиқчи туманида жойлашган

ёздим.

Эркинжон дастлаб Тошкентда, кейин Бекобод вилоятининг Ширин шаҳридаги ҳарбий қисмда ишлади. Ўша йиллари мустақил Ўзбекистонимизнинг энг замонавий лойиҳа асосидаги ҳарбий қисм худди мана шу ерда қурилди. У ерларни аскарларнинг хизмат жойи эмас, оромгоҳи деса бўлади. Кенг ҳовли ўртасидаги фавворалар салқин сув пуркаб туради. Гулзорлар, йўлакчалар... Қайси томонга қарасангиз, қад кўтарган улуғвор ҳарбий қисм бинолари. Ошхона, ўқув хоналари, амалий машғулот майдонлари, ётоқхоналар, дам олиш хоналари. Ҳар борганимда мустақиллик қудратини такрор-такрор ҳис қилардим.

2001 йилнинг Мустақиллик байрами оиламиз учун катта шодиёнага айланди. Иккала ўғлимиз ҳам бир пайтда Фарғонага келадиган бўлди. Ёрқинжон Фарғона шаҳридаги ҳарбий қисмга, Эркинжон

Ўзбекистон туманида янги ташкил этилган «Бўстон» ҳарбий қисмига ишга келди.

Бир куни Эркинжонни дадаси иккимиз кўргани бордик. У ишлаётган ҳарбий қисм кўзимга кичкинагина бўлиб кўринди. Халлимдан Шириндаги ҳайбатли ҳарбий қисм ўтиб борди. Орадан олти етти ой ўтиб, яна ўша манзилга кўниб ўтдик. Ярим йил ҳам катта вақт экан. Катта ўзгаришлар кўзга ташланарди. Улкан янги дарвоза ўрнатилибди. Эшик оғалари ўтирадиган қабулхона қуриб битказилибди. Ҳарбий қисмни ўраб турган деворлар шундай баланд кўтарилибдики, деворлар орқасига экилган саф-саф



Матлуба ДЕХҚОН қизи

## МЕНИНГ ЁРҚИН ВА ЭРҚИН

# ЎҒИЛЛАРИМ

ҳарбий қисмдан бошлади. Уйланиб, битта фарзандли бўлганда Қарши шаҳрига жўнаб кетди. Қарши ўз уйимиздек бўлиб қолди. Олти йил давомида қайноқ саратон кунлари фақат Қарши об-ҳавосини кузатаман. Жуда иссиқ-ку, деб қўяман.

— Буви, шунча одам яшаяпти-ку, — деб қўяди оғир, вазмин ўғлим.

Айни она-Ватанимизга жангарилар кўз тиккан кунларда Ёрқинжон ҳарбий қисмда штаб бошлиғи бўлиб ишларди. Негадир кўнғироқ ҳам қилмай қўйди.

— Хавотир олманг. Улар тоғда, ўз жойларини қўриқлашяпти, — дейди мени тинчлантириб укаси Эркинжон.

Ўшанда Ёрқиннинг жангарилар ўчоғи бўлган Сурхондарё тоғларида айни Сарийосиё туманида эканини билмабман. Тўрт ой дегандагина овозини эшитдик. «Ўғлимнинг овози» деган шеърлар

терақларга ҳавасингиз келади.

— Ҳа, Шириндаги ҳарбий қисмни эслатади, — дедик қувониб.

— Мени Қаршига жўнатишяпти, — деб қолди Эркинжон.

Дадаси иккимизнинг ўйланганимизни кўриб, бизни тинчлантирмоқчидай:

— Энди акаси ишлаган жойда укаси ҳам ишлаши керак-да, дада, — деди. Унга оқ йўл тилаганча қолдик.

Эркинжон ҳар куни Қаршидан кўнғироқ қиладди.

— Ҳарбий қисмлар бригадасидаман. Кўпроқ сафарларда бўламиз. Мана бугун Термизга етиб келдик. Ана, Ҳайратон кўприги рўпарамда турибди. Кўприкдан ўтсам — Афғонистон!

— Бугун Бухорои шарифдаман. Нақшбандий бобомизнинг мақбарасини зиёрат қилиш, албат-



та, ниятимизда бор, — дейди яна қайсидир бир куни.

Сурхондарё, Самарқанд, Навоий шаҳарлари юрагимга яна ҳам яқинлашиб келади. Негаки, боламнинг ўша тупроқларга тез-тез изи тушяпти.

Яна кўнғирок...

— Онажон, эртага сизнинг туғилган кунингиз. Албатта, етиб боришга ҳаракат қиламан.

— Овора бўлма, жон болам.

— Бугун ниҳоятда масъулиятли тadbир ўтказамиз. Агар у кўнгилдагидек ўтса, туғилган кунингиз ҳақида командиримизга айтаман. Жавоб берса, биласиз-ку. Боролмасам, энди хафа бўлмайсиз, хўп-ми? Шомдан ўтганда набирам Яшинбек ҳафсаласизлик билан деди:

— Энажон, дадамга жавоб беришмаган шекилли. Телефон қилдим. Хоналарида ўтирибдилар.

— Ҳа, майли, ҳарбийлар шунақа-да. Тинчлик бўлсин! Улар омон бўлишса, юрт тинч!

Эркинтой туғилган кунимда ҳар гал биринчи бўлиб кўнғирок қилади. Ўша тонгда ҳам шундай бўлди. Мени табриклаб, шундай деди:

— Командиримиз энди Қаршидан бир даста гул жўнатиб кўя қолгин, деди. — Онажон, ўн дақиқа ўтиб, кўчага чиқсангиз, мен жўнатган гулни қабул қилиб оласиз.

Эркинтой ўғлим бошчилигида кўпчилик бўлиб кўчага отилдик. Кўп ўтмай, ҳақиқатдан ҳам ичида катта гулдаста кўриниб турган «Тико» машинаси ёнимизда тўхтади. Гулни кучоқлаганча Эркинтойимиз машинадан чарақлаб тушди! Суюнганимдан кўз ёшларим тиркираб кетди.

— Энди Нукусга борасан, — дейишяпти. — Ўзи бормаган жойим Ўзбекистонимизда Нукус билан Хоразм қолган эди-да. — Эркинтой менга енгиллик бериш учун болаларча эркалик билан гапиради.

Ажабо, мен ҳам унинг бу гапларини негадир хотиржамлик билан эшитаман.

— Нукус ҳам яқин, — деб кўяди акаси Эркинтой бизни юпатгандек. — Самолётлар Фарғонамиздан тўғри Нукусга учади.

Мана, иккинчи йилки, Эркинтой Нукусда. Иккала ҳарбий ўғлимизнинг рафиқалари — Наргизахон Ортиқова, Дилбархон Абдурахмоновалар ҳам ҳарбий либослари кийиб, ҳарбий қисмга ишга шошишади. Ҳар йили Мустақиллик байрами дастурхонида ўтириб, дилбандларим, набираларимнинг интилиш, изланишларидан қувониб, ватанга муносиб фарзанд бўлиш машаққати ҳақида ўйлайман.

Вақт етиб, отлар изини тойлар босади. 2010 йил — «Баркамол авлод» йилида Ёрқинжоннинг тўнғич ўғли Дониёр Ортиқов спортнинг енгил атлетика тури бўйича мусобақаларда иштирок этди. Жиззахдаги, Тошкентдаги беллашувларда 2-ўринни эгаллади. Бўйнида нишонлари, кўлида ёрлиқлари билан кириб келди.

Эркинжоннинг ўғли — Яшинбек она тили, инглиз тили, француз тили, рус тилларига қизиқади. Фақат аъло баҳога ўқийди. Иккинчи ўғли Баҳодир шахматга қизиқади. Шукрки, ҳамма набираларимизнинг ўз интилган чўққилари бор. Оналаримиз ҳаммаша ният қилишади, орзу қилишади:

— Умримизнинг ҳар бир йили баркамол авлодларни камол топтириш учун баҳшида бўлсин. Фарзандларимиз жаннат Ўзбекистонимизнинг муносиб ворислари бўлиб камолга етишсин. Ана ўшанда биз — оналар, оталар ўтган умримизга афсус чекмаймиз.

**Фарғона вилояти.**

ЎЗБЕК ХАЁЛ



Ўзбекистон халқ рассоми монийқалам мусаввир Чингиз Аҳмаров (1912-1995) чизган сувратларда Шарқ аёлининг бутун нафосати, гўзаллиги акс этади. Мусаввир яратган Аёл тимсоли тириклик ва ҳаётнинг бетакрор жозибасидан, инсон сувратининг ақлни лол этгувчи малоҳатидан, нозиклигидан сўйлайди. Алишер Навоий газалларида тасвирланган гўзал сиймолар, жаннат боғларидан чиқиб келган нозик адо фаришталар одамни сеҳрлайди. Кўзларидаги беҳад теран маънолар, сарвқоматли қизларнинг туришидаги одоб, ҳаё, маъсумлик, латифлик одамнинг юрагига равшанлик солади. Парвардигор барча мавжудотни мукамал ва расо қилиб яратган. Лекин у инсон зотини шунчалар ҳусну латофат, ботиний гўзаллик билан яратганки, ҳар бир инсон ўзича бетакрор ва ўхшаши йўқдир. Чингиз Аҳмаров инсон гўзаллигини нафис чизгиларда тасвирлайди. Деворий расмларда, метроларнинг мрамар равоқларида нақшланган сувратлар гўё худди ҳали замон ҳарир пардани кўтариб, томошабинлар сафига қўшиладигандай туюлади. Рангларнинг майинлиги, бетакрорлиги, мовийранг, сабзаранг, пистоқиранг, нилийранглар ҳаёт ва шодликнинг сўзсиз қўшиғидай дилларни ром этади.

1994 йили Тинчлик ва Ҳамжиҳатлик жамғармаси ташаббуси билан «Устозлар ва шогирдлар» кўргазмаси ташкил этилган эди. Устоз мусаввир ўзининг бир неча асарлари билан ушбу тadbирда қатнашган, шогирдларининг ишларини томоша қилиб уларни мақтаб, роса суюнган эдилар. Аҳмаров асарлари қаршисида мухлислар узоқ тикилиб, сувратнинг жозибасидан лол қолар эдилар. Мен ҳам улуг рассом чизган сувратлар қаршисида маҳлиё бўлиб турганимда оҳиста қошимга келиб сўрадилар:

— Хоним, шу суврат сизга ёқдими?

Жавобимни эшитгач, илтифот билан «Хаёл» сувратини менга тўхфа этдилар. Мана шу ноёб сувратга ҳамон мафтун бўлиб термуламан ва мўйқалам устаси, камтарин, шогирдпарвар ва инжа қалбли мусаввирни эҳтиром билан хотирлайман. Ушбу сувратни «Saodat»нинг мухлисларига илдиним.

**Ойдин ҲОЖИЕВА.**



Мақсуда ЭРГАШЕВА

# БИЗНИ ҲАМ АСРАНГ, АЯНГ

## ҚИЗҒОНМАСАНГЧИ

Ҳаммага баробар келади Наврӯз,  
Боғларга баробар ёприлади куз,  
Айни саратонда мунча чехранг муз,  
Баҳорни боғлардан қизғонмасангчи!

Босган ҳар қадамим ўзимникидир,  
Олган ҳар нафасим ўзимникидир.  
Кўксимда қафасим ўзимникидир,  
Булбулдан сайроғни қизғонмасангчи!

Гоҳида хотаму гоҳо қароқчи,  
Бу дунё аслида уста ямоқчи.  
Менинг чок дилимни бутлаб қўймоқчи,  
Мендан шу ямоқни қизғонмасангчи!

Дунё аравасин тортиб боради,  
Устига ғамини ортиб боради.  
Манзилига қачон етиб боради,  
Кечадан чароғни қизғонмасангчи!

Бировлар бурда нон учун ёнадир,  
Бировлар шухрат деб ўздан тонадир,  
Югурган жойимиз сомонхонадир,  
Шу сомон боғни ҳам қизғонмасангчи!

Худди сен сингари мен ҳам бир банда,  
Асли омонатдир бу жон ҳам танда,  
Озиб-ёзиб бир бор галим келганда  
Мендан шу чоғни ҳам қизғонмасангчи!

\*\*\*

Дарахтлар шохларин тебратиб ҳайрон,  
Яшил япроқларин ўйнатиб ҳайрон.  
Кўксимда бир юрак ўртаниб ҳайрон,  
Биз нечун айландик ҳайроналарга.

Ҳар гулга кушанда — ҳашорот бордир,  
Бунда ҳар кўнгилга ишорат бордир.  
Ўзимга қайт, деган башорат бордир,  
Нега тушунмадик ишоратларга.

Бир сўздан бир юрак обод бўлади,  
Ё обод ва ёки барбод бўлади.  
Биз барбод бўлдигу, обод бўлмадик,  
Бир сўз топилмади, озод бўлмадик.

Бир кун озод бўлиб ўзингга борсам,  
Башорат айлаган сўзингга борсам.  
Кечиб жаннатлардан юзингга борсам,  
Насиб этгин мени саодатларга.

## МЕНДАН КУТМАНГ НОЗУ ТАБАССУМ

Мендан кутманг нозу табассум,  
Ярашади менга маҳзунлик.  
Тўрт кунини яшаб қўйибман,  
Дунё эса асли беш кунлик.

Биринчи кун роса яйрадим  
Мен онамнинг тор қурсоғида.  
Кейин ундай кенг жой топмадим  
Шундай катта дунё боғида.

Иккинчи кун ёруғ дунёнинг  
Чехрасига боқа бошладим.  
Ҳаёт наҳрин ёйилмасида  
Бир олмадек оқа бошладим.

Уч кунимни дунёга бердим,  
Тўртинчи кун борди камолга  
Ва дунёдан юзимни бурдим  
Ошиқ бўлдим буюк жамолга.

Мендан кутманг нозу табассум,  
Энди унга йўқ сира асос,  
Бешинчи кун — улуғ кун қолди,  
Бешинчи кун — маҳшар ва қасос...

\*\*\*

Майлига ошно тутиб, бизни ҳурмат қилмангиз,  
«Сизда йўқ асло кўнгил», деб бизга ғурбат қилмангиз.

Асли шу кўнгилни деб биз шунчалар оворамиз,  
Ундан ўзгани десак, асти шафқат қилмангиз.

Кўнглимиз обод эрур, унда бор рафторингиз,  
Шул менинг бўлса гуноҳим, бас кафорат қилмангиз.

Бағримиз вайронлиги — кўнглимизнинг бўшлиги,  
Айтади меъмор: бўш ерга иморат қилмангиз.

Бу жаҳон бозорида жонга жон савдосидир,  
Шул сабаб кўнгил ишин ҳаргиз тижорат қилмангиз.

**Фаргона вилояти, Олтиариқ тумани,  
Оқбўйра қишлоғи.**



# ЖАННАТДАГИ «КУНДОШИМ»

Куйилмади ҳеч эрим,  
Ичим тўла ўкиниш.  
Эллик ёшдан ошса ҳам,  
Айшу ишрат, сўкиниш.

Шундай безор бўлдимки,  
Зириллардим келсаям.  
Хафа бўлмасдим агар  
Жавобимни берсаям.

Охири не бўларкин?  
Энди Аллоҳ билади.  
Наққошлигини ташлаб,  
Судхўрлик ҳам қилади.

Ялинаман: «Ёшмасиз,  
Тўғри юринг, дадаси,  
Элу юртдан уялинг»  
Десам, қотар энсаси.

Хатто, билганим айтиб,  
Кўрқитаман дўзахдан.  
Парвойи фалак, бир кун,  
Гап бошладим жаннатдан.

Дедим: — Дарёсида май,  
Тубида лаъл, дурлар бор.  
Дадаси-чи, жаннатда —  
Ўн тўрт ёшли хурлар бор.

Қоматлари келишган,  
Ҳарирдур кўйлаклари.  
Кўриниб турад шундоқ  
Болдининг иликлари.

Биқинлари тасмадек,  
Семизмас менга ўхшаб,  
Роҳат қиласиз нафис —  
Бармоқларини ушлаб.

Кўзларингиз қамашар  
Баданининг нурига,  
Фақат пок эркак лойиқ,  
Жаннатнинг бу ҳурига.

«Оҳ!» — деди-ю эримнинг  
Ловуллади юзлари,  
Ўша хурни кўргандек,  
Деди ёниб кўзлари:

— Ўйлабманки, жаннатда,  
Мева-чева бор, холос.  
Унга қандай киради,  
Ўргатиб қўй, илтимос.

Дедим: — Ичишни ташлаб,  
Ҳалол ҳунар, касб қилинг,  
Хулқингиз бўлсин гўзал,  
Судхўрликни бас қилинг.

Аллоҳ деб, дўст бўласиз,  
Илм, ҳунар, санъатга,  
Поклигу иймон билан  
Кирилади жаннатга.

Деди: — Хурдан рашк қилиб,  
Хурпаймайдими патинг?  
Дедим: — Минг бор розиман,  
Илоё, кўша қаринг!

Деди: — Сен не қиласан,  
Мен билан бўлса улар?  
Дедим: — Шундай жаннатда  
Менгаям жуфт топилар.

— Ундай бўлса, керакмас! —  
Деди қайнаб зардаси.  
Дедим: — Хотиржам бўлинг,  
Ҳазиллашдим, дадаси.

Тонгда мени уйғотди,  
Юзи тўла нур билан,  
Бир қўлида китобу  
Бир қўлида гул билан.

Дедим: — Вой, нима бўлди,  
Нега тегдиз гулимга?  
Деди: — Илиниб кетдим  
Жаннатдаги хуримга.

— Тавба, Тавба! Қойилман! —  
Дедим, кўксимга уриб, —  
Шу эргаям бир гапни  
Бўларкан-а уқтириб.

Тутаган шамчироққа  
Куйган каби мойини,  
Вой-вой, шу қайсарниям  
Топдим нозик жойини.

Бошлади янги ҳаёт,  
Чизди гўзал нақшлар.  
Хатто чет элдан келиб,  
Сотиб олар мухлислар.

Яшар қалби, жисми пок,  
Эл-юртини севади,  
Вақт топиб баъзан, хатто,  
Теннис ўйнаб келади.

Энди бизнинг «маvloно»  
Менга қилар насиҳат,  
Ҳар сўзида юз маъно,  
Ҳар ишида юз ҳикмат.

Ундан безор бўлгандим,  
Кулсангиз ҳам айтаман,  
Бугун уни шу ёшда  
Севиб қолдим қайтадан.

Хатто, ўша хурлардан,  
Рашк қилиб қолдим андак,  
Жаннат эшигидан ҳам  
Мўралаб турсам керак.

Дарвозасига ёзиб  
Кўяман шу шеъримни:  
Эй, жаннатнинг хурлари,  
Хафа қилманг эримни.

Сизга лойиқ қилгунча,  
Бадқилиқ бу кишимни,  
Ердан териб олганман  
Синган қанча тишимни.

Ёрилди қанча курси,  
Қанча эшик, ойнаклар,  
Учиб ўтган бошимдан —  
Қанча ликоб, чойнаклар.

Меҳнатини мен кўрдим,  
Оқди қанча кўз ёшим,  
Роҳатини сиз кўринг,  
Жаннатдаги кундошим.

Эрим қайта ёшариб,  
Ёнингизга кирган дам,  
Дуо қилиб кўйинг бир  
Марҳабо шўрликни ҳам.

Сиз ҳақда бир эшитган  
Эркак ҳоли шу бўлса,  
Нима бўлар экан-а,  
Ўзингизни бир кўрса?!



\* «Ўғил бола» қизлар ёхуд...

\* Сиз қандай типга кирасиз?

\* Бир зарб билан забт этган туйғу.

Бахтли ва барқарор оиланинг юзага келиши кўп жиҳатдан йигит ва қизларнинг мустақил ҳаётга психологик тайёрланишларига боғлиқ.

Оилавий ҳаётнинг мустаҳкам бўлишини таъминлайдиган омиллар шунчалик серқирра ва ранг-барангки, уларнинг барчасига қизларни тайёрлаш анча мушкул. Шунга қарамай, улар ҳаётининг мазмунли бўлишига ёрдам беришимиз керак. Қизларни мустақил, оилавий ҳаётга психологик тайёрлаш кенг қамровли масала бўлиб, биз унинг баъзи томонларигагина тўхталмоқчимиз.

Ҳаётда баъзан нохуш ҳолатларнинг гувоҳи бўламиз:

**Қизларда ўғил болаларга хос**

лари улар психологиясининг ўзгаришига олиб келмоқда.

Ҳозирги ёш йигит-қизларимиз ҳам аёллар характерида мардлик, мақсадга йўналганлик, мустақиллик, ўзига ишонч, фаоллик каби хислатларнинг бўлишини ижобий баҳолаётдилар. Айниқса, оилада — болалар, эркак ва аёлнинг эгаллаган ўрнини ўрганадиган масканда, бу ҳолатнинг таъсири ниҳоятда кучли ҳисобланади. Бола оилада фаол ва ҳукмдор онасини, кўпинча диванда ёнбошлаб ётадиган, сусткаш оила бошлиғи бўлган отасини кузатар экан, у ҳам ҳеч қачон жинсига хос бўлган хислатларни ўзида шакллантира олиш имконига эга бўлмайди.

Мактабда ҳам бу жараён ўзига хос равишда мураккаб кечмоқда. Қизлар ўғил болаларга нисбатан ўрта ҳисобда 2,5 йил илгарироқ ривожланадилар. Натижада, қизлар синфдош ўғил болалардан ҳам жисмонан, ҳам ақлан устунликларини сезганларидан сўнг ўғил

Қадим замонлардан буён аёл оиладек муқаддас даргоҳнинг сақловчиси, ҳимоячиси, деб ҳисобланган. Бундай мураккаб вазифани амалга ошириш эса ундан сабр-тоқатли, синчков, эҳтиёткор, тadbирли ва мослашувчан бўлишни талаб этади. Айнан шу хислатлар оила мустаҳкамлигини таъминлайдиган омиллардандир. Оиладаги ажралишлар, унга хиёнат қилишлар учраб тураркан, вояга етаётган қизларимизда юқоридаги хислатларнинг шаклланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Одамлар бир-бирларидан бир қанча хусусиятлари билан фарқ қилишлари билан бирга атроф-муҳитни идрок этишларига кўра ҳам турлича типларга бўлинадилар. Булардан бири **визуал тип** бўлиб, булар кўпроқ ахборотни қабул қиладиган бўлади. **Аудиал типдаги** одамларда эса буларнинг ҳаммаси эшитиш орқали амалга ошади. **Кинестетик типдаги** одамлар эса

## УЛАР ТУРМУШТА ТАЙЁРМИ?

**хислатларнинг, ўғил болаларда эса қизларга хос хусусиятларнинг намоён бўлаётганлиги;**

**Ёшларда, уларнинг ёшларига хос бўлмаган депрессив ва агрессив ҳолатларнинг тез-тез намоён бўлаётганлиги;**

**Оилаларда ажралишлар, бир-бирига хиёнат ҳодисасининг тез-тез учраётгани.**

Эркаклик ва аёллик хислатлари қарама-қарши жинсни бир-биридан фарқлаб турувчи хусусиятлар мажмуаси ҳисобланади. Инсонда эркаклик ва аёллик хислатларининг ўз вақтида ва тўлалигича шаклланганлиги унда ўзига бўлган ишонч, кечинмаларнинг тўлиқлиги, одамлар билан мулоқотнинг самарали бўлиши, оиладаги ва жамоадаги муносабатларнинг тўлақонли кечишига таъсир ўтказиши.

Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли эканликларини нотўғри тушуниш жамият равнақида салбий таъсир этади. Ақсарият эркакларнинг тирикчилик талабларига жавоб бера олмасликлари туфайли кўпроқ аёллар оила боқувчисидек мураккаб вазифани зиммаларига олаётганлик-

болалар тимсолида ҳимоячини эмас, балки ҳимояга муҳтож одамни кўра бошлайдилар. Уларни менсимаслик каби салбий муносабатлар юзага кела бошлайди. Кучли жинс сифатида шаклланишга интилаётган ўғил болаларда бундай муносабат норозиликни туғдиради. Бу иккала жинс ўртасида низоларни келтириб чиқаради. Оилада, мактабдаги шундай муҳитда шаклланган болалар вақти келиб оила соҳибни бўлганларида ҳам бир-бирларига шундай муносабатда бўлишлари турган гап. Бу эса оиланинг бузилишига олиб келади.

Жинсий тафовутлар одамнинг хулқи, темпераменти, фикрлаш хусусиятлари, касб танлаши, маданияти, шахс сифатида ўзини англашининг ўзига хослигида намоён бўлади.

Жинсига хос бўлмаган хислатларнинг ўзлаштирилиши депрессив невроз ҳолатларни, салбий хулқ-одатларни шакллантирувчи ижтимоий жароҳатларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

муҳитни кўпроқ сезиш органлари орқали идрок этадилар. Бундай типдаги одамларда бошқа анализаторлари идрок этиш жараёнида иштирок этмас экан, дегани эмас. Яъни, маълум типдаги одамларда устунлик қилиб турган сезги органларининг биринчи реакциясини кўрсатади, ундан сўнг бошқалари реакция кўрсатади.

У ёки бу идрок этиш усули одамнинг ички дунёси, фикри, нутқиға ўз таъсирини ўтказиши. Агар аёл турмуш ўртоғи билан “турли тилларда” сўзлашса, тушунмовчилик вужудга келиши мумкин. Агар эркак кишини аёли доимий равишда тушунмаса, у доим ўзини ёлғиз ва бахтсиз ҳис қилади.

Агар аёл турмуш ўртоғи ва оила аъзоларининг идрок этиш типларини тўғри баҳолай олса, унда уларни тушуна олиши, ҳар бири билан унинг “тили”да сўзлай олиши, жанжалли вазиятларнинг юзага келмаслиги учун қандай сўзларни ишлатиш кераклигини билиб олади.

**Агар аёлнинг турмуш ўртоғи визуал бўлса**, аёл доим ёқимли ташқи қиёфага эга бўлиши, меҳр-муҳаббатини кўзига жамлаб, унга эрқаланиб қарашни билиши,

уй-жойи доим озода тутиши, турмуш ўртоғининг ташқи қиёфаси ҳақида тегишли комплиментлар қилиб туриши жуда муҳим.

**Аудиал типдаги** одамга кўпроқ ёқимли нарсалар ҳақида сўзланса, ёқади. У билан суҳбатлашаётганда, ҳар хил иборалар ишлатаётганда эҳтиёт бўлиш керак. Чунки у эшитган нарсасини ҳеч қачон унутмайди. Айниқса, яқинлари томонидан бўладиган бақир-чақирларни жуда ёмон кўради. Аёли унга ёқимли оҳангда ҳар қандай мавзуда, ҳар қанча гапириши мумкин. У эркаловчи сўзларни, исмини эркалаб айтишларини, меҳр-муҳаббат изҳорларини эшитишни яхши кўради.

**Кинестетик типдаги** турмуш ўртоғи бўлган аёл ўз ҳиссиётларини ҳатти-ҳаракатлари орқали, яъни унинг елкаларини, орқаларини энгилгина силаб қўйиш орқали ифодалаб туриши керак. Кинестетик одам муҳаббатга ва садоқатга, эркаланишларга чанқоқ бўлади. Аёлнинг комплиментлари унинг кайфияти, ички кечинмаларига қаратилгани маъқул. Унинг учун хонадаги саранжом-саришталик унчалик муҳим эмас. У ўта бетартиб хонада ҳам ўзининг яхши кўрган креслоси ва ёстиғи бўлса, ўзини жуда бахтли ҳис қилаверади.

Шунинг учун қизларни оилавий ҳаётга психологик тайёрлаётган оналар, уларнинг гўзалликларидан, ақлу заковатларидан шароитга мослашиш ҳислатидан фойдаланиш йўлларини ўргатишлари даркор.

Қизларни оилавий ҳаётга психологик тайёрлашда севги, муҳаббат ҳақида тўғри тушунчага эга бўлишларига эришиш лозим. Юзага келган муҳаббатни асраб қолиш йўлларини ҳам ўргатишга тўғри келади. **Севги ўзи нима?**

Инсонлар бир-бирига интилиб яшайдилар ва бу интилишлар турлича кўринишда намоён бўлади:

- кимдир кимгадир ақлан интилади, яъни унинг ҳар томонлама яхши инсон эканлигини билади ва ҳурмат қилади, лекин унга қалбан интилишини ҳис қилмайди. Уни ўзи билмаган сабабларга кўра ёқтирмайди, кўрса жини кўзийди;

- кимдир кимгадир қалбан интилади, яъни уни кўрганда қалби “ёришиб кетади”, лекин ўзи йўқ вақтида ўша одамнинг камчиликларини ўйласа жаҳли чиқади, уни ёмон кўра бошлайди, яъни унга ақлан интилмайди;

- кимдир кимгадир ҳам ақлан, ҳам қалбан интилади, яъни уни ҳар томонлама ҳурмат қилади ва кўрганида баҳри дили яйраб кетади;

- кимдир кимгадир ҳам ақлан, ҳам қалбан интилишни ҳис қилади-ю, лекин жисмоний интилишни ҳис

қилмайди, яъни у билан мулоқотда бўлишда масофа сақлайди;

- кимдир кимгадир ҳам ақлан, ҳам қалбан интилмайди, лекин жисмоний интилишини ҳис қилади. Масалан, баъзи бир ўсмир болалар ёки йигитлар энгилтабиатроқ ёки шўх ва ҳушчақчақ қизларга нисбатан шундай интилишни намоён қиладилар;

- кимдир кимгадир ҳам ақлан, ҳам қалбан, ҳам жисмоний интилиш ҳис қиладилар. Қиз бола билан ўғил бола ўртасидаги дўстлик ҳудди шундай интилиш бўлиб, бир-бирига жинсий интилишни ҳис қилмаслиги билан характерланади;

- кимдир кимгадир ҳам ақлан, ҳам қалбан, ҳам жисмонан, ҳам жинсий интилиш ҳис қилади. Бу эса севгидир.

Психология фанлари доктори, профессор Ф.Б.Шоумаров севгига шундай таъриф берган: **Бир зарб билан ҳам ақлимизни, ҳам қалбимизни, ҳам жисмимизни, ҳам жинсимизни забт этган туйғу севгидир.**

Севгидек ноёб ҳиссиёт ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Севиш ва севилишдек бахт насиб этган одам ўз севгисини сақлаб қолишни ҳам билиши зарур.

Психологлар томонидан ўтказилган тадқиқотлардан маълумки, оилавий ҳаёт куйидаги мотивлар асосида қурилар экан: ҳисоб-китоб асосида, севги – муҳаббат асосида, динамик – стереотип асосида.

Кўпчилик ҳолларда севги-муҳаббат асосида қуриладиган оилалар мустаҳкам бўлади, дейишади. Афсуски, бир-бирини севиб турмуш қурганлар ҳам бир-бирларидан севиб кетишлари, бахтсиз оилага айланишлари ҳам мумкин. Бунинг сабаби шундаки, бир-бирини севиб турмуш қурган ёшлар, турмуш

ўртоғи уни қандай бўлса шундай-лигича яхши кўришини билади. Яъни улар бир-бирларидан меъёридан кўпроқ меҳр кутадилар ва бир-бирларига меъёрдан камроқ меҳр берадилар (эркаланади, камчилигини яширишга, ҳиссиётларини ва ҳатти-ҳаракатларини назорат қилишга интилмайди, ўзини эркин ҳис қилади). Оқибатда ўрталаридаги мавжуд севги-муҳаббат сусая бошлайди, ҳатто йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин.

Таништириш йўли билан оила қурган ёшлар ўзларига меҳр уйғотиш учун бир-бирларидан камроқ меҳр кутадилар ва бир-бирларига кўпроқ меҳр беришга интиладилар. Натижада бу ҳолат улар ўртасида муҳаббат пайдо бўлишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Динамик — стереотип тасодифан ёки бир кўрганда севиб қолиш асосида турмуш қуришда ҳам севги-муҳаббат асосида оила қурилгандаги хато такрорланса, оила бузилади.

Севги-муҳаббатни асраб қолиш, уни меъёрида намоён қила олинишига ҳам боғлиқ. Эр ёки хотин бирданига ўзни фидо қилиб, бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббатларини кучли намоён қилсалар, меҳр меҳрсизликка айланиши, муҳаббат қадрсизланиб қолиши мумкин. Баъзилар севгиларини ҳаддан зиёд яширишга ҳаракат қилишади. Бу эса турмуш ўртоғидаги муҳаббат оловининг сўнишига олиб келади.

Аллоҳ ҳар биримизга севгидай ноёб туйғуни насиб этсин ва биз уни асрай олайлик. Оилавий ҳаётимиз осойишта, бахтли, жўшқин ва эҳтиросли бўлсин.

**Мавлуда ҚОПЛООВА,**  
психология фанлари  
номзоди, доцент.

— Бу қизларнинг гулдай нозик пайти, уларни оналаридек асраймиз, — дейди Гулистон давлат университети ўқитувчиси Рўзигул БОЗОРОВА.



— Рисол, хайронман, нега бундай бўлди? — Гулнозанинг фикри ошди. — Кунига икки юз марталаб кўнгирак қилавериб, жонга тегарди. Энди бўлса, жим. Тавба...

Рисолат дугонасининг йигитини билади — рассом. Эсида, қайсидир рассомнинг шахсий кўргазмасига боришганида кўрган, улар билан бир даврада ўтирган.

— Мен ҳали рассом эмасман, шу институтда ўқийман, холос, — деганди кулиб.

— Шу институтни битирса, рассом бўлади, шундайми?

Эсида, Рисолат унга шундай савол берганди. Гулноза Рисолатни туртиб қўйганди. «Жинни-мисан, ишинг нима?»

Йигит атайин бошини буриб, Рисолатга қаради ва тўсатдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди:

— Йўқ, шу институтни битирса, рассом бўлмайди.

Рисолат йигитнинг гапига тунунмади, яна савол бермоқчи бўлди-ю, уялди. «Менга нима?» Йигит унинг хотирасида ўзига ҳаддан ортиқ бино қўйган, манман, инжиқ одам таассуротини қолдирганди. Гулнозага ҳам хайронсан, нимасига учди унинг? Келишган қадди-қоматигами? Ё игнасини санчиб оладиган илмоқли гапларигами?

У беихтиёр елкасини қисиб қўйди.

— Рисол, дугонажон, бир иш қилсанг.

— Қандай иш?

— Мен ҳозир сенга Давроннинг телефонини бераман. Менга жавоб бермаяпти. Зора бегона рақамни кўриб, телефонини кўтарса. Сен шундай-шундай,

овози, сўнг «... хизмат доирасидан ташқарида» деган овоз эшитилди. У телефонни Гулнозанинг қулоғига тутди. Гулнозанинг тарвузи қўлтиғидан тушди.

— Қаёқда юрган экан?

— Гулноз, балки хабар жўнатармиз. Шунда жавоб бўлармиди?

— Аллақачон жўнатганман, э...

— Кўй, ўртоқжон, ҳадеб сиқилаверма, пайдо бўлиб қолар. Баъзи одам шундай бепарво бўлади.

У шундай дея дугонасига кўнгилик берди. Уйига кетаркан, йўл-йўлакай Гулнозанинг маъюс ҳолати кўз ўнгидан кетмади.

— Келардинг-да, — уй остонасида опаси уни иддао билан қарши олди.

Опаси икки бола-си билан ота уйига қайтиб келди. Айтишча, эри унга вафо қилмабди. Қўлида саккиз ойлик чақалоқ биғилаб йиғлади.

— Бас қил-э... — опа чириллаб йиғлаётган гўдагига парво қилмай Рисолатга эргашди. — Поччангни суриштирмадингми?

Опа бошқа хотинга илашган эрдан умидвор, жаҳл билан ота уйига келишга келволиб, эшикка қарайди, кун санайди. Рисолат нима дейишини билмай, диванга ўтирди. Рисолат аллақачон поччаси билан гаплашган, бориға кўниб, сабр қилмаган, эридан шубҳа қилган хотиннинг кераги йўқ, деб айтган поччаси-

ёноқларини ювди.

Рисолат индамай хонасига кириб кетди. Тун. Алламаҳал телефони жириглади: Гулноза.

— Рисол, сендан бир илтимосим бор.

— Қандай илтимос? — уйку аралаш сўради.


— Эртага бир жойга бориб келсанг.

— Қаёққа? Нима, туш кўрясанми?

— Давроннинг устахонасига.

— Нима? Бор хаёлинг ўшанингда бўлиб қолдимми? Бориб ухласанг-чи, ўтиб кетар.

— Қандай ухлайман? Инда-



Маъсума АХМЕДОВА

## МАРКАЗДАТУ КЎЗ

Ҳикоя

Гулноза телефонингизни илҳақ бўлиб кутяпти, дейсан.

У дугонасига эътироз билдириб ўтирмади. Бу хаёлига келгани ҳам йўқ. Тўғри, ўзинг билмаган, синамаган одамга бундай дейиш сал ноқулайроқ бўлади. Лекин у Гулнозанинг дугонаси, тагин яқин дугонаси. Наҳотки, шундай пайтда дугонасига ёрдам беролмаса?

— Қани, бер-чи.

У телефон рақамини терди. Телефондан узундан-узоқ гудок

нинг гапларини юраклари қон бўлган, бор хаёли «хиёнаткор, кўз очиб кўрган яшшамагур эрида» бўлган, унга инсоф тилаган опасига қандай қилиб айтади?

— Гаплашдим.

— Нима деди?

— Сабр қилинг, опа, бир йўли топилиб қолар.

— Топган гапинг — шу.

Опа жаҳл билан гўдакка кўкрак берди, силтади, ташқаридан онасининг овозини эшитиб, жим бўлиб қолди. Кўз ёшлари

май-нетмай йўқ бўлиб қолган бўлса.

— Оббо, топилиб қолар. Намунча ваҳимасан.

— Ҳеч кимни севмагансан-да, билмайсан.

Бу гап негадир Рисолатга оғир ботди.

— ...

— Нега индамайсан?

— ...

— Бирор нима десанг-чи, Рисол, Рисолат?

— Эрта тонг отсин, бир гап

бўлар, — юмшади Рисолат.

— Раҳмат, ўртоқжон, йўқ де-маслигингни билардим.

Тавба, жинними, Давроннинг олдига бор, дейдими? Қандай бораман, нима дейман? Рисолатнинг уйқуси ўчди, уёққа ағдарилди, буёққа ағдарилди, бўлмади. Ухлолмади. Тонгга яқин кўзи илинган экан, чақалоқнинг биғиллаб йиғлаши уйғотиб юборди.

— Отанга ўхшаб чарс бўлмай кет, — опаси боласини жаҳл билан обболади. — Кечаси билан уйқу бермади-я.

Шу пайт телефони жиринглаб кетди. Юраги сиқилди, ҳойнаҳой Гулноза бўлса керак, олмади. Телефони чулдираши авжига чиқди.

— Олсанг-чи матоҳингни! — опаси чидамай телефонни олди. — Алло, Гулноза, ҳозир Рисолатга бераман.

Гулнозага қандай йўқ дейди? Лекин бировнинг севгилиси хузурига бориб, қандай воситачилик қилади? Шу ўй юрагини сиқди. Бировнинг илтимосини қайтаролмайди, айниқса Гулнозаникини. Яқин дугонаси бўлса, яна бунақа қийналаётган бўлса. Шундай хаёллар билан ўзига-ўзи тасалли берди.

— Рисол, манави йўлдан борасан, — Гулноза ўзида йўқ хурсанд, ҳозирок дугонаси эшиқдан севгилисини бошлаб кириб келадигандай унга манзилни тушунтира кетди. — Устозининг чет элда кўргазмаси бўляпти, устахонасини Давронга топшириб кетган. Ҳойнаҳой, ўша ерда ишляпти...

— Шуни биларкансан, ўзинг борақолмайсанми? — деди беихтиёр Рисолат.

— Қизиқмисан, мен борсам бўларканми? — Гулнозанинг овозида бояғи ўкинчдан дарақ йўқ, лаби лабига тегмай бидиллаб кетди. — Сен мени мазаси йўқ, дейсан, Гулнос изтиробда, дейсан. Билсанг, бир қизни эзиб тамом қилдингиз, дегани бўлади бу. Дугонамнинг аҳволига азбаройи ачинганимдан сизни қидириб топиб келдим, дейсан.

— Ол-а, шу гапга ишондикўйдими, айниқса ўша Давроннинг.

— Ҳа, айнан Даврон бўлгани учун бор, деяпман-да. Аслида характери сал чатоқ бўлгани билан ўзи жуда раҳмдил.

«Қандай кириб бораман, нима дейман?» Гарчанд Гулноза унга нима қилишни, нима дейишни ипидан-игнасиғача айтган, ўргатган бўлса-да, ўзи билмаган йигит хузурига қандай кириб

бориш, эшигини қандай тақиллатиш азоби уни эзгандан-эзди. Қаранг, рассом устахонасини шундай осон топдики... Қидириб тополмаса қани эди, бу азобдан қутуларди. Тополмадим, дердиқўярди. Аксига олиб, устахона юқорида эмас, биринчи қаватда экан. Юқори қаватда бўлса, чиққунча ўзини яна бир оз босиб олармиди. Ёғочи чириёзган, ранги ўчиб кетган эшик ним очик турарди. Ичкаридан димоғига қандайдир ўткир, нотаниш ис урилди. «Бўёқ иси бўлса керак», деган ўй келди хаёлига. Эшик тугмасига аста қўлини чўзди. Юраги дов бермай қўлини тортди.

Шунда зиналардан қадам товушлари эшитилди. Кимдир юқоридан тушиб келарди. У шошиб яна эшик тугмасига қўлини олиб борди, уни шартта босди. Бекорга кўрққан экан, тугмадан овоз чиқмади.

— Стучите в дверь, звонок не работает, — зинадан тушиб келётган одам унинг ёнидан ўта туриб айтди.

У бу гапдан дадилландими, шошиб эшикни бир-икки тақиллатди.

Ичкаридан садо бўлмади.

Шунда бир шум ўй хаёлига келиб қолди. «Анча турдим, эшикни очмади», дейман. Шу ўй уни қутқарди, энгил тортди. Орқасига қайрилди, энди зина ҳатлагандай ҳамки, эшик ланг очилди.

— Ким?

Рисолат орқасига ўгирилди, эшик бўсағасида баланд бўйли, соч-соқоли ўсиб кетган бир йигит турарди. Дастлаб Рисолат уни танимади.

— Сиз? — энди у Давронни овозидан таниди. — Бу ерларда нима қилиб юрибсиз?

«Дарров одамга нишини санчиб олади-я», унинг тегадир юраги озорланди.

— Мен... — Гулноза унга ўргатган бари гаплар хаёлидан учди кетди. — Гулноза...

— Ҳа... — йигит бошини ирғади. — Келинг, ичкарига кириңг.

— Йўқ, шу ерда гаплашаверайлик, — у ўзини жуда ноқулай ҳис этди. Қани эди ҳозир қанот чиқарсаю кўзга кўринмай учиб кетса...

— Кўриб турибсиз, эшик ёпилмайди, — Даврон кулди. — Утаётганларга халақит қилмайлик, ичкарида гаплашайлик.

У йигит сўзларидаги самимиятни илғади, беихтиёр эшикка яқин борди.

— Марҳамат.

Йўлакка турли расмлар

тизилган, деворга ранг-баранг манзара, портретлар илиб ташланганди. Худди шу ерданоқ расмлар галереяси бошлангандай туюларди. Йўлақдан тўғри хонага ўтилар, аниқроғи, ўртадаги эшик олиб ташланган эди. Шунданми, бу ер кирган кишида расмлар галереяси таассуротини уйғотар эди.

У йўлак ўртасига келиб, туриб қолди. Ичкари киришга тортинди. Йигит қизнинг ҳолатини тушунди. Хона ўртасида турган ягона курсини олиб келди.

— Утириңг.

Рисолат ўтирса кулаб тушадигандай, курси чеккасига омонатгина ўтирди.

Йигит унга савол назари билан тикилди. Орага ноқулай сукут чўкди. Рисолат зиммасига юкланган вазифани унутгандай эди. У хонадаги расмларга бир-бир қараб чиқди. Кўзи беихтиёр олдига турфа бўёғу чўткалар қалашган катта полотнога тушди. Иш ҳали чала, чизилаётган шеклли, полотнонинг чўтка урилган жойлари ажралиб турарди.

— Ҳа, иш билан банд эдим, — деди йигит ўртадаги ноқулай сукутни бузиб. — Янги картина устида ишлаётган эдим. Шу сабаб Гулноза билан боғланолмадим.

Бўлди. Ҳамма саволга жавоб топилди. Энди кетаверса ҳам бўлади. Рисолат энди яна баттар ноқулай аҳволга тушди. Нега, нима мақсадда келдинг, деб сўровчи кишига ташрифи сабабини қандай тушунтирсин?

— Мен сизга кўнғироқ қилгандим...

— Ҳа, ўша рақам сизники эдимми? — деди йигит самимий. У бундай дейиши билан Рисолатни хижолатпазликдан пича қутқаргандай бўлди. — Ўзим ҳам ҳайрон бўлдим кўнғироқ қилган ким экан деб?

— Гулноза сиздан хавотир оляпти, яна...

— Мазаси йўқ, шундайми? — унинг гапини илиб олди йигит. — Гулноза шунинг учун сизни менинг олдимга жўнатган, тўғрими?

— Йўқ, ундай эмас, мен ўзим. Рисолат нима дейишини билмай қизарди, гўё қўлларини қаёққа қўйишини билмагандай, бармоқларини тортқилади.

— Сиз... кечирасиз, исмингиз ёдимда йўқ экан...

— Рисолат, — деди у аста.

— Рисолат, сизга бир савол берсам бўладими, хафа бўлмай-сизми?

— Бемалол, — Рисолат энди хотиржам тортиб, курсига

жойлашиб ўтирди.

— Мана, мен ҳозир бир картина чизяпман. Назаримда, сизнинг бу ерга келишингиз сабабини англагандайман. Картинанинг хомаки вариантдаги номи «Марказдаги қиз». Эҳтимол, бу ном картина мазмунига унча тўғри келмас. Мана, ўзингиз қаранг, — у полотнога ишора қилди. — Кўрдингизми?

Рисолат беихтиёр ўтирган жойидан турди. Полотнода баҳор фасли тасвирланаётган бўлса керак, атроф ям-яшил, гуллар орасида қатор тизилган қизлар расми чизилганди. Ўртада, йирик пландаги қиз портрети эса қалам билан чизилганлигича турар, унинг юзи, чеҳрасига бўёк берилмаган эди.

— Мана шу қиз ёнида турган дугонасига қаранг-а.

Рисолат ўртада турган қиз ёнидаги дугонасига разм солди: қизиқиш, ажабсиниш, тортиниш, кичик кўнгиллик ва ҳатто пича анойилик бор эди унинг кўзларида.

— Наҳотки сиз шу қиз, картина қаҳрамонининг дугонаси, иккинчи даражали образ бўлишни истасангиз?

— Нималар деяпсиз? — йигитнинг гаплари юрагига ханжар бўлиб санчилди. Беихтиёр сурат томон бир қадам босди.

— Китобларда, фильмларда ҳам турли персонажлар бўлади. Асар қаҳрамони, ошиқ маъшукасига ёрдам берувчи образлар бўлади. Наҳотки сиз, Рисолат, нега шундай бировга ёрдам берадиган кўмакчи персонаж ролини бажарсангиз? Нега мен асарда иккинчи даражали персонаж бўлишим керак, нега мен асарнинг бош қаҳрамони бўлолмайман, деган фикр келмаганми ҳеч қачон ҳаёлингизга?

— Сиз... мени ҳақорат қилманг, — шу сўзлар аранг тилига келди, кўзларига ёш келди. — Дугонасига ёрдам бергиси келган одам ишини сиз шундай баҳолайсизми? Сиз...

Йигит шошиб қолди.

— Кечиринг, мен сизни хафа қилмоқчи эмасдим. Шунчаки мен ҳозир чизаётган картинама таъсирида... Мана, қаранг, марказда, асосий планда турган қаҳрамоним ҳали чизилмаган. Тўғриси, унинг портретини қандай чизишни билмаяпман. Гулнозани чизай десам... ҳеч бўлмаяпти, чизолмаяпман.

— Нима бўпти Гулнозага, арзимайдими? — у Гулнозани химоя қилиши шартдай, деди. Лекин айтган сўзлари ўзига носамимий туюлиб кетди, ичида

хижолат тортди.

— Кўйинг, ўзингизни қийнаманг, Гулноза сизнинг химоянгизга муҳтож эмас. Гулноза бари асарлар қаҳрамонлари сингари худбин, фақат ўзини, ўз муҳаббатини ўйлайдиган қиз. Мен чизмоқчи бўлган қиз образига асло тўғри келмайди.

Рисолат лол бўлиб қолди.

— Рисолат, келинг, ўз ҳаётингиз билан яшанг, илтимос, — йигит гўё Рисолатни анчадан биладигандай, унинг қиз дўстидай ўтинди. — Сиз ҳам ўз ҳаётингиз қаҳрамони бўлиб...

— Бўлди, — деди Рисолат ҳам худди Даврон билан узоқ йиллар дўстдай, андак ўпка билан. — Мен сизнинг олдингизга қандай одам бўлишим керак, деган маслаҳат билан келганим йўқ.

— Шундай қилсангиз ёмон бўлмасди, — йигит кулди, қизнинг яқин тутиб қилган ўпка-гинасини тушунгандай деди.

— Боринг-э... — Рисолат қўл силтади, негадир кўз ёшлари қуйилиб келди. У сапчиб ўрнидан турди-да, хонадан отилиб чиқди.

Даврон бир муддат индамай қолди, кейин бирдан нима бўлганига тушуниб, Рисолат кетидан югурди. Етолмади, қиз улгурган, у чиққан такси олислаб кетди.

Рисолатнинг назарида бирдан ўзи шу пайтгача кўрган, билган олам ўзгаргандай бўлди. Телефон кетма-кет чулдиради: Гулноза. Телефонга жавоб қайтармади. Қулоқлари остида Давроннинг сўзлари жаранглади: «Ўз ҳаётингиз билан яшанг...»

— Нима бўлди, Рисол? — одатда иддао билан қарши оладиган опаси сингисининг бу ҳолатини кўриб ҳайрондан-ҳайрон бўлди.

Кунлар кетидан кунлар қандай ўтди, билмади. Шундай кунларнинг бирида телефони қисқа сигнал берди, хабар келибди. Рухсиз, аста телефонни олди, очди. Кўрди, бир сурат келибди, атроф баҳор, ям-яшилликка бурканган, қизлар давра олган. Йирик планда, марказда бир қиз турибди. У кўзларига ишонмади, қайта-қайта тикилди. Марказда тасвирланган қиз кўзларида илиқлик, самимийлик, меҳр балқади, у баҳор гулларидай нозик, нафис. Баҳор каби мафтункор, беғубор. У шу ҳаётга келганидан, шу ҳаётда яшаётгани бахтидан шод, масрур. Ўзига ишонмай яна расмга тикилди — марказдаги қиз унинг ўзи, Рисолат тасвир этилган эди. Расм пастада ёзувлар ҳам битилган экан: «Мен ниҳоят марказдаги қизни топдим».



ФАФУР ФУЛОМ,  
Ўзбекистон халқ шоири.  
(1903-1966)

**ОНА**

Тугилган дамимни эслай олмайман,  
Ташаккур дейилса арзигулик тонг.  
Танам йўракланган, муштим тугилган,  
Олтин рудасидай ишланмаган онг.

Ҳали бепардозман, олам жамолин  
Кўра олмакликка кўзим ҳам ожиз.  
Танглайим кўтарган бибим бечора  
Ким эди, билмайман, ўлгандир, эсиз.

Биринчи тамшанган она сут қадрин  
Асл ўғил бўлиб оқлаш эътибор.  
Теварак оламга зийнат саналур  
Она юрт бағрида кўркам ҳар чинор.

Қирқ йил «ҳа» дегунча ўтиб ҳам кетди,  
Ўғлингни кўрсайдинг етук камолин,  
Қутиб етишолмай бизга қолдирган  
Шунчалар муҳайё олам жамолин.

Дунёдай алвонранг дастурхон ёзиб,  
Сенинг оилангда ҳаммамиз обод.  
Кумуш узугингни бармоқдан олиб,  
Ушбу шеърим билан сени қилдим ёд.

Худди юрак устида  
Эркалаган қўлинг бор.  
Сочимни силаб қўйган  
Панжанг изи — йўлинг бор.

Уфқлардан кенг эдинг  
Бағрингга олган чоғи.  
Ўзлимни танитган  
Онагинам кучоғи.

Мингга кириб ўлсам ҳам  
Қулоқда қуйма алланг.  
Қуёшга қўшнимиз, деб  
Кўрсатганинг минг-минг ранг.

Ўзинг, ахир, нимасан,  
Қоямисан, тоғмисан?  
Ўзинг, ахир, нимасан,  
Жаҳонмисан, боғмисан?

Рангмисан, қуёшмисан,  
Ҳаммасидан улғусан!  
Етук-етук сўзимни  
Шаънингга айтгуликсан.

Ҳойнаҳой бир китобсан,  
Минглаб қомусдан баланд.  
Ҳойнаҳой офтобсан,  
Мен эса сенга фарзанд.



# «ЧОДИРЖАМОЛ» МАЛЛИКАСИ

**И**ксак технология асрининг болалари ҳаётида кўғирчоқ театрининг ўрни қандай? Бу санъат турига болаларнинг қизиқишлари бир оз сўнгандек кўринади, деган мулоҳазаларда асос борми?

Бухоро давлат кўғирчоқ театри биносига кириб борарканмиз, хаёлимиздан шундай фикрлар ўтди. Бизда дастлабки таассурот уйғотиш учунми ёки яқин йўл танландими театр бошқаруви биносига томоша зали орқали ўтдик. Саҳнада машқ жараёни кетарди. Ёши эликларга борган аёл кизалоқ овозида Куёнча ролини берилиб ижро этса, ёшгина бир йигит йўгон товушда Бўри қиёфасига кирарди. Уларнинг маҳоратига қойил қолмай бўлмасди.

— Машқ тугагини кутамиз, — деди ниятимиздан хабардор театрнинг адабий эмасдоши Гулчехра Бону, — унеча театрининг янги биносини айланишимиз мумкин. Нодирахон ҳақида ҳозирча мен билганларимни эшитиб туринг-чи...

Гулчехра опа саҳнага ишора қилиб, исмини тилга олган аёл олий тоифали актриса Нодира Раҳматова эди. У театр ташкил этилгандан бир йил кейин — 1983 йил иш бошлаганда йигирма ёшли киз эди. Маннон Уйғур номидаги санъат институтининг драма ва кино бўлимини тугатиб, бу ижодий жамоага келганида, «Дўстлик синови» спектаклида бирданига учта — Лайлакча, Жайрон, Олапар ролларини ижро этишига тўғри келган. Кейинчалик йўлбарс, мушукча, эчкича, сичқон, илон, сигир, маймун, капалак... «бўла бошлади». Ушанда спектакл намоёнишидан сўнг болалар уни танишмади. Ёш эмасми, бу унга таъсир қилди. Лайлакча, Жайрон, Олапар ролларини Нодира қизимиз ижро этди, деб таништиришганда олқиш остида қолди. Мана, 27 йилдирки, шу эътибор уни тарк этган эмас. Энди

болалар уни ҳар қандай грим ёки қиёфада ҳам дарров таниб олишади.

Муҳит, оиладаги тарбия таъсири остида бола дунёқарашида ўзгариш бўлиши табиий. Бола нима учун компьютердаги ўйинларга қизиқади? Ўйин қахрамонлари кўғирчоқдан ҳам кичкина. Болани ўша кичкиналик, ўзига хос янгилик тортади. Театрда эса уларни жонли ҳолда томоша қилади. Худди уйдаги кучуги ёки мушуги саҳнада гапиргандек. Уй ҳайвонлари, дераза қаршисига қўнган қушлар, ҳатто ўйнаётган ерида чумоли билан гаплашиб турган болаларни кўргансиз-ку! Бундай мулоқот улғайишнинг илк белгиларидир.

— Кўп театр томошаларида болаларни турли ҳайвонлар қиёфасини яратиш билан қизиқтиришган, — дейди Нодира Раҳматова. — Лекин реал ҳаёт билан кичкинтойларни тарбиялашга эришиш бугунги давр талаби. Бухоро кўғирчоқ театрини ташкил этган ва кўп йиллар унга раҳбарлик қилган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Аминжон Ақобиров, актёр бирор ҳайвон қиёфасига осон кириб болага таъсир ўтказиши мумкин, лекин инсон характерини яратиш санъаткордан алоҳида маҳорат талаб этади, деган гапни кўп такрорлардилар. М. Фатхуллаев, Б. Эгамбердиев, Ш. Саидов, В. Гаманович, Б. Рубинов, М. Юрьевич, А. Иванов, Э. Жўраев сингари устозларимизнинг тажрибаларига таяниб, мамлакат кўғирчоқ театрлари фестивалларида бир неча бор голиб бўлди. 2006 йили Миср Араб Республикасида ўтказилган халқаро фестивалда «Миллий руҳдаги ва миллий мусиқалар асосида яратилган энг яхши спектакл» номинациясида голиб бўлиб қайтди.

Бугунги кунда театрга истеъдодли актёр ва режиссёр Йўлдош Генжаев раҳбарлик қилади. Бу киши ҳам устозлар анъанасини давом эттириб,



соғлом ижодий муҳит яратишга эришди. 250 ўринли томоша залида 14 жой кам даромадли оила болалари учун ажратилган. Маҳалла фаоллари билан мунтазам боғланиб турамыз. Улар етакчилигида ҳар хил феъл-атворли кичкинтойлар ҳам томошаларимизга келиб туришади.

Нодира Раҳматова «Ўз уйимни излайман», «Чодиржамол», «Ҳандақ», «Юлдузлар нур сочганда», «Бўлинганни бўри ер», «Ўлмасин Жайрон», «Илон совғаси», «Митти митон» сингари ўнлаб спектаклларда рангбаранг роллар ижро этди. Бугун у устозлардан ўрганганини ёшларга ўргатиб келаётир.

— Театрда иқтидорли ёшлар кўп, — дейди у. — Айниқса, Элмира Ҳамидовадан умидим катта. У берилган ролга масъулият билан ёндошади. Матни кунт билан ўрганиб ўзиники қилиб олади.

Нодира Раҳматова биз билан суҳбатда ўзи ҳақда кам гапирди. Устозлари, умуман, театр жамоаси эришган ютуқларга кўпроқ тўхталди. Бу аллақачон устозлик даражасига кўтарилган санъаткорнинг ўзига хос камтарлиги эди.

**И. ЙЎЛДОШЕВ.**

## БИСОТИМНИНГ ЗИЙНАТИ

(«Никоҳ  
қўйлагининг баҳоси  
қанча?», «Saodat»,  
2010 йил, 1-сон)

Мақолани ўқиб,  
ёшлигимни, никоҳ  
қўйлаги кийган қувончли  
кунларимни эсладим.

Бизгача келинчаклар оқ чит, оқ  
штапелдан никоҳ қўйлаги тиктиришар экан.  
Ёқа, энгларига пирпираклар қўйиб, безак  
берилар экан. Онам раҳматли менга орзу-ҳавас  
билан крепдешин харид қилганлар, зар ипда  
кўкрагига айлана шаклида яшил баргли қизил  
ғунчалар тиккан.

— Оилада ҳар қандай кун бўлади, болам.  
Яхши кунларинг кўп бўлсин-у, лекин ҳаёт-да  
бу... Мана шу никоҳ оқшомида кийган қўйлагинг  
билан бошингга солган рўмолингни асраб-  
авайлаб олиб қўй. Чунки тўйда сенга  
кайнонангнинг, менинг қилганларимнинг  
ҳаммаси ишлатилади, ҳаммаси вақти ўтиб,  
эскиради. Фақат мана шу қўйлакни бошқа кия  
олмайсан. У янгидай туради. Ҳар қараганинда  
менинг отангнинг тилаклари, куёвимга мана  
шу оқшомдаги меҳр-муҳаббатинг эсингга  
тушади. Туйғуларинг янгиланади, унга қарасанг  
кўнглингдаги араз-гиналар тарқалиб кетади, —  
деган эдилар.

Айтганларини қилдим. Кексаларнинг  
билгани билган экан. Ишонасизларми, жуда  
кўп бор никоҳ қўйлагимнинг тахини очдим.

— Ҳаммаси шундай оқ ниятлар билан  
бошланган эди-ку, — дея ўзимни босган  
пайтларим кўп бўлди.

Ҳамма оилада ҳам никоҳ қўйлаги худди  
менинг бисотимдаги вазифани адо этмаслиги  
мумкин. Лекин бу барибир қўлдан қўлга ўтиб  
юрадиган либос эмас. Ҳар кимнинг ўзиники  
бўлгани яхши. Эпини қилолса, қани эди, бахт  
қўйлагини келинчакнинг ўзи тикса!

«Saodat»да чоп этилган бу мақола маҳалла  
тадбирларида ўқилса, дейман.

**Гавҳар ШАРИПОВА,**  
нафақадаги муаллима, Хоразм.

## МУҲАББАТДАН ҲАМ ҚАДРИ БАЛАНДМИ?

Муҳаббат — оила пойдевори. Ўзаро ҳурмат — оиланинг  
устуни. Оила ана шу қоидаларга таяниб қурилиши керак эмасми?  
Ҳозир баъзан иккинчи даражали нарсаларга одамлар кўп эътибор  
беришяпти. Дабдабали никоҳ қўйлаги бўлмаса, тўй ҳам  
бўлмайди. Фалон санъаткор келмаса, тўй тўхтайти, деган  
гапларни эшитиб, ёқангни ушлайсан. Ахир, ўзингга ярашган бир  
чиройли либос бўлса, бас эмасми? Қайсидир бир қўшиқчи чин  
дилдан хизмат қилиб, даврага хурсандчилик улашса, шунинг  
ўзи етмайdimи? Бундай ҳавойи орзулар қаердан пайдо бўляпти?!  
Тўқликка шўхликми? Ё оёғимиз ердан узила бошлаганими?  
Қизларжон, бахтингни Италия ё Франциянинг жимжимадор,  
қимматбаҳо қўйлаги билан эмас, ўз қалбинг, кўнглин, қўлинг  
билан яратасан! «Saodat» бу гапни ўз вақтида айтибди, сен ҳам  
қулоғингга олсанг, ёмон бўлмайди.

**Зарифа МАМАЖОНОВА, Фаргона.**

## АРМОНИМ ЎЗИМ БИЛАН

Тенгини топсанг, ўзинг дўй қилиб, узат! Уйимизда шу гап  
тез-тез такрорланар эди. Йигит сендан беш ёш катта экан,  
ёшлигинг, гўрлигинг билинмайди, деб 17 га тўлар-тўлмас  
узатишди. Икки ойдан сўнг бошқоронглик бошланди. Сув  
ютсам ҳам, ташлайман. Шундай кунлар бўлардики, юришга  
мажолим қолмай, ётиб қолардим. Туғилмасдан олдин менга  
шунча азоб берса, дунёга келса, ундан нима кўраман, деб  
ўйладим. Мажолим қолмагани учун дўхтирга ётқизишган эди,  
ялиниб-ёлвориб, ҳали ёшман, болани эплай олмайман, деб  
олдириб ташлаттирдим. Бир марта мазза қилиб овқат ейман,  
бир марта кўнглим айнимай сув ичаман, бошим айланмай  
ўтириб-тураман, деб шундай қилдим.

— Чиданг, синглим. Заифроқ оналар ҳар доим ҳам  
ҳомиладорликни оғир кўтаради, биринчисини олдирангиз,  
асорати қолиши мумкин, — деб дўхтир қайта-қайта айтди. Ўз  
айтганимдан қолмадим.

— Барибир туғмайман, туғишгача кучим етмайди, — деб  
туриб олдим, — сиз олмасангиз, ўзим барибир йўлини қиламан,  
— дедим.

— Ўзи тушиб қолди, — дедим уйдагиларга.

Мана, шунга ҳам ўн икки йил бўлибди. Кейин икки марта  
бўйимда бўлиб, тушди.

Бош айбдор ўзим бўлсам ҳам, эҳтимол, 20-23 ёшларимда  
бўлганимда бу воқеага бошқача кўз билан қарардим, деб армон  
қиламан. Бир қарашда тинч яшайман.

Пешонамизда бўлса, фарзанд кўрармиз, дейди эрим.  
Ҳайдамайди. Қайнона-қайноталарим ҳам сабр-тоқатли, охирадни  
ўйлайдиган инсонлар. Лекин ўзим азобланавераман! Ўзимни  
кечиролмайман.

Барибир ёш турмушга узатиш бир жойда бўлмаса, бир жойда  
панд беради, деб ўйлайман.

**Г., Жиззах вилояти.**

## НИҲОЛ АВВАЛ ЯПРОҚ ЁЗСИН

(«Орзу-ҳаваснинг ўз вақти бор», «Saodat», 2010 йил, 3-сон)

Қизларимиз 16-18 ёшларида чиндан ҳам гўзал бўлишади. Ўсмирлик дунёсидан чиқиб,  
ёшлик фаслига қадам қўйгани учунми табиат ато этган чирой устига озгина пардоз,  
хафсаласи қўшилгач, яна ҳам кўзга яқин бўлади. Биз ота-оналарнинг, айнақса, бобо-  
бувиларнинг ичига ҳадик тушади. Биров бундайроқ қараб қўймасмикин, алданиб  
қолмасмикин, тезроқ эгасига топшириб, кўнглимиз хотиржам тортсин, деймиз.

Лекин ҳаётини мисоллар шунини кўрсатяптики, қизларини ёш турмушга узатган ота-  
оналарнинг ҳаммасининг ҳам кўнгли хотиржам тортаётгани йўқ.

— Ёш-да, ҳали. Уйда ўзи уйғониб чикмагунча уйғотмас эдим. Энди қайнонасига шу  
уйқучилиги дастак бўляпти. Қанақа келинки, индамасанг, пешингача ёстиқдан бош  
кўтармайди, дейди нукул. Икки хонали дом бўлса, нима, ишлар қалашиб кетармиди?  
Уйқуга тўйиб кейин қилсаям бўлади-ку, — дея ёниб-куяди ҳали ўн олти ёшли қизга  
келинлик либосини шошиб кийдирган она.

— Пулимни қайнонамга бермайман! — деб хархаша қилади бошқа ўшанга тенгдош келинчак:

Хуллас, ёш келинчак — ҳали тупроқда илдиз отмай чайқалиб турган навниҳол! Агар уни аввал ота уйда  
қувватга киритиб, сабр-чидамга ўргатиб узатсак, турмуши ишончлироқ бўлади.

Ҳар ҳолда йигирмадан ошиб узатилган қизлар турмушга жиддийроқ қарайди. Шундай экан, журналист  
Меҳринисо Қурбонованинг «Saodat» орқали кун тартибига қўйган муаммоси жуда долзарб, ҳар бир ота-она  
обдон ўйлаб кўриши керак бўлган мавзудир.

**Наргиза АЪЗАМОВА, Термиз шаҳри.**

## МАРЯМЖОНГА АЙЛАНДИМ

Оренбургнинг Сол-Илицк шаҳрида ўсиб, улгайганман. Ҳарбий госпиталда ҳамшира бўлиб ишлаганимда Алишер исмли аскар кўричак бўлиб даволангани ётди. Дадам тарихчи бўлгани учун уйимизда Урта Осие, хусусан, Ўзбекистон ҳақида кўп гап бўларди. Шунинг учунми, қорачадан келган, қош-кўзлари қоп-қора бу йигитга қизиқиб қолдим. Дўстлашдик. Уйимизга тез-тез келиб турадиган бўлиб қолди. Ҳарбий қисмдан рухсат теккан пайтларда бирга айланганимизни ота-онам билишарди.

— Қизим, сен бутунлай бошқача шароитда яшагансан. Бу севги-муҳаббатнинг охирини ўйлаясанми? — деб дадам ташвишга тушарди.

— Менинг ота-онам қишлоқда яшайди. Шунга узоққа совчиликка кела олмади. Мен билан кетсанг, олиб кетаман, — деди Алишер.

Аввал чўчидим, хайрлашиб, қолдим. Уни кузатгач, ўзимни кўярга жой тополмай қолдим. Ҳеч кимни Алишерга ўхшата олмас эдим. У ҳам кетгани билан тез-тез кўнгирок қилар, хат ёзиб турарди.

— Келсанг, кутиб оламан. Тўй қиламиз, — дер эди.

Ахийри ота-онам бизнинг муносабатларимиз ўткинчимаслигини билгач, Ўзбекистонга кетишимга рухсат беришди. Дадам ўзи бирга олиб келди. Алишернинг ота-оналари ҳам зиёли одамлар экан, тил топишиб кетишди. Чиройли тўй бўлди, оппоқ никоҳ қўйлаги кийдим, «ёр-ёр»лар айтилди. Дадам хайрлашиб, бахт тилаб кетган кунлари жуда кўп йиғладим. Юртимга кетгим келар, ўзимни зўрга босардим. Аммо атрофимдагиларнинг меҳри айниқса, қайнонам раҳматлининг ҳар бир урф-одатни эринмай ўргатиши билан шу қишлоққа, шу оилага ўргандим. Тўрт фарзанд кўрдик. Бир-биримизга суяниб ўттиз беш йилдан буён яшаймиз. Қишлоғим, маҳаллам учун Марямжон келин, Марям опага айландим. Марина исмим эсимдан чиқиб қолади. Улар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетдим. Қариндош-уруғлар меҳмонга келишганида:

— Фақат тилинг эмас, чехранг ҳам ўзбекларга ўхшаб қолган, — дейишади.

Ҳа, севги шунақа куч эканки, юракка макон қурса, ҳамма нарсани яхшиликка ўзгартирар экан.

— Севгига ишонинглар, севиб яшанглар, — дейман болаларимга ҳам. Ёшларга ҳам айтадиганим — шу.

**Марям УЗОҚОВА,  
Хоразм вилояти.**

**Раҳматли** бувимиз касалманд эдилар. Уйимизга тез-тез шифокорлар келиб туришарди.

— Шу қизим дўхтир бўлади, шекилли, — дердилар, ёнларида ўралашиб юрсам:

Шу-шу ўзим ҳам дўхтир бўламан, деб ишониб қолдим. Ҳатто, юракни даволайдиган шифокор бўламан, деб соҳамни ҳам аниқлаб қўйдим. Ўзимча астойдил тайёрландим. Тест синовларидан керагича балл йиға олмадим. Лекин мен ўзимни оқ халатдан бошқа кийимда, шифохонадан бошқа жойда тасаввур қила олмаганим учун кетма-кет уч йил ўқишга ҳаракат қилдим. Бўлмади. Уч йилимни йўқотганман. Фақат кимё, биология йўналишлари бўйича тайёрланганман. Учинчи гал омадим

## ДЎХТИР ЭМАС, ЎҚИТУВЧИ БЎЛДИМ

чопмагач, ҳамма нарсадан кўнглим қолди. Инжик, серзарда бўлиб қолдим. Уйимизга совчилар келганда, аям учрашувга чиқарсалар, дағал гапириб йигитларнинг кўнглини оғритардим. Менинг орзумга ета олмаганимга ҳамма айбдордай эди. Дўстлар, орзу, мақсад — ҳамма нарсадан чарчаган эдим. Шундай дунёларга сиймай юрган кунларимда еттинчи синфда дарс берган устозимни учратиб қолдим.

— Қизим, одам битта нарсага ёпишиб олиб, уза олмаса, депсиниб турмаслиги керак. Шифокор бўлмасанг, кимё-биология йўналиши бўйича пединститутга кир. Машқ майдонидаги чавандозларни кўрганмисан? Қўйилган баландликка сакрай олмаса, сакраш чизигини пасайтиради. Ҳадеб отини тўсиққа уравермайди. Тўрт томонингда ибрат бор: қара! — дедилар устозим.

Хуллас, кейинги йил пединститутга ўқишга кирдим. Ўқиб юриб, турмушга чиқдим. Ҳозир болаларнинг энг севимли ўқитувчиларидан бириман. Шифокор бўлмадим, шифокорларга муаллим бўлдим, деб қўяман. Агар устозимнинг гапига кирмай, ўзим билан ўзим ўралашиб, омадсизман, деб йиғлаб юраверганимда балки, бирор касаллик орттирардим. Ўз вақтида айтилган насиҳат, ўз вақтида ўзгартирилган йўл ҳам баъзан одамга омад келтирар экан.

**Мавлуда  
АБДУРАҲМОНОВА,  
Бешариқ тумани.**

## САБРНИНГ ҲАЛВОСИ ШИРИН

Ёз келиб, тўй мавсуми бошланди. Карнай-сурнай наволарини эшитганда кўнглимиз яйрайди.

Яқиндагина узоқроқ бир қариндошимизнинг қизини узатган эдик, жойини топди, деб қувонган эдик.

Кеча онасининг дарди ичида, келибди:

— Қизингизни тарбия қилишни билмабсизлар, олиб кетинг, дейишяпти...

— Сабаби бордир, ахир?

— Қизим қайнонасига ойлигини бермабди.

— Маошингизни яшириб қолмайсиз, менга тийин-тийинигача берасиз, — дебди тўйдан кейиноқ учтўрт кун ўтар-ўтмас қайнонаси. Қизимнинг ўшандаёқ дили оғриган. «Шунақа деб таъкидлаб айтмасалар, маошимни бермоқчи эдим. Тўйдан сўнг камхарж бўлиб қолганликларини биламан-ку. Лекин маошингизни яшириб қолманг, деганларидан кейин, бир сўм ҳам бергим келмади, дейди қизим. Можоро шундан чиққан. Айтишиб ҳам қолишибди.

— Қайнонам бундай дейиши керак эди, лекин шундай деди. Шунинг учун тўнимни тескари кийдим, чидаса — шу, деса турмуш бўлади-ми?! Ахир, бахт унга керак. Унинг узун умри олдинда. Қайнона барибир бу дунёда озми-кўпми яшаб қўйган. Умрнинг ўнқир-чўнқир йўллари фақат яхши кунлардан иборат эмас. Баъзан қалби қабаргандир, баъзан кўнгли тилингандир... Энди ўша дамлар унинг саломатлигида акс этади, албатта. Бироз инжиқлиги, бироз тезоблиги шундандир, балки. Шунинг учун келинчакка шошилиб маошдан сўз очгандир. Келинчак сабрли бўлиб, ўзини оғир, вазминликка олиб, ҳеч бўлмаса, маошининг маълум қисмини берса, кекса кўнгил тоғдай кўтарилармиди? Ахир, у маошни тийин-тийинигача санаб ўтирмайди-ку! Озгина эҳтиёжим бор эди, деса бўларди-ку!

Ҳарна бўлганда ҳам, ёшлар кексаларнинг дилини авайлаши керак. Чунки улар бу дунёга омонат.

Бу фикрларимни келинчакнинг онасига қандай тушунтира олдим, у қанчалик уқди, билмайман. Ким ноҳақ, ким ҳақлигини ҳам муҳокама қилмоқчи эмасман. Фақат оилам бўлсин, деса узр ҳам, яхши ҳаракат ҳам ёшлардан бўлгани маъқул.

**Хўббинийёз ГУЛИММЕТОВА,  
Манғит шаҳри.**

Эжен ДАБИ, француз ёзувчиси  
(1898 — 1936 й.)

# ТАЗЕМА СОТУВЧИ КАМПИР

## Новелла

Сахарданоқ кулоқни қоматга келтирувчи шовқин турадиган шаҳарнинг узундан-узок бу кўчасида кампирнинг ўз бурчаги бор: у метрога тушиш йўлкасининг шундоқ ёнгинасида жойлашган. Тротуарни йўлдан ажратиб турувчи чўян панжарага суюнган ҳолда кампир ўзини хотиржам ҳис қила бошлади, ваҳоланки унинг атрофида ҳаёт қайнайди. Рўпарадаги қаҳвахона официанти кичик бир курси ташлаб кетди: ҳамон тикка турган кампир юкини тезгина унинг устига қўйди. Энди ишга киришса бўлади: ҳалигина тақсимотчидан нақд пулга олган 250 дона газетаси шу ерда: кампир биринчи харидорни табассум билан қарши олди.

Шу бурчакни, шу серқатнов бурчакни эгаллаганидан бери қанча замонлар ўтиб кетди. Энди уни ҳамма танир, гўё у ҳам тротуарнинг ажралмас бир бўлаги эди. Унга баъзан ёрдам қилишарди. Қаҳвахона официантлари ўз мижозлари учун газеталарни доимо ундан олишади, улар кампирдан бошқа саёқ газета сотувчиларини шу нуфузли қаҳвахонага яқин ҳам йўлатишмайди. Кампирнинг ҳам ўз мижозлари бор: булар ўз одатларини қанда қилмай «Пари Суар» ва «Интрansiжан» газеталарини фақатгина ундан сотиб оладиган йўловчилар.

Метрога тушаверишда кичик бир дўконча ҳам бор: унинг бекаси билан кампирнинг оралари яқин. У жувон ҳафталик газеталар ва муқоваларига йўловчилар диққатини тортувчи ярим яланғоч аёллар тасвири туширилган журналлар билан савдо қилади; журналларнинг нархи баландлиги туфайли у оқшом газеталарини сотувчи кампирга нисбатан анча кўп фойда кўради! Ранг-баранг расмларнинг минг хили бор. Қачонлардир кампир ҳам ўзининг шундай дўкончаси бўлишини орзу қиларди, ҳаво қандайлигидан қатъи назар дўконда ҳар куни савдо қилиши мумкин. Ҳаво яхшилигида ҳам, ёмонлигида ҳам одамлар метрога тушишади, тушмаганлари ҳам дўкончадан бирор нарса харид қилиб кетишади.

Октябрнинг сўнгги оқшоми бўлишига қарамай ҳақиқий қиш совуғи турарди: кулранг осмон, совуқ баданни тешиб юборай дейди. Кампир бисотидаги барча иссиқ кийимларини кийган, улар совуқ фасл учун асраб қўйилган мундирга ўхшайди: анча катта, узунгина қорамтир пальто юпқалигидан елкасига рўмол ташлаб олган, жун қўлқоплар, ўғлига деб тўқилган жун қалпоқ — ҳалок бўлган жигарбандига насиб қилмаган жун қалпоқ. Пальто тагидан — кофта. Кийимлари қалин бўлишига қарамай кампир совқотади, шунчалик ўралиб олганига қарамай ҳар қачонгидан ҳам совқотади. Бу қишнинг бошланиши холос, у йилдан-йилга бешафқат бўлиб

бормоқда.

Кампир баъзи баъзида бўғиқ овози билан харидорларни чақиради,

тез-тез бақаришга ҳоли йўқ — нафаси сиқилади. Айниқса бугун бу чақириқлар унинг кўксини йиртмоқда, баданини қақшатмоқда, иссиғини чиқармоқда. Қолаверса, мижозларнинг диққатини жалб қилишга уриниш — беҳуда иш, чунки унинг ўз бурчаги, ҳаммага маълум бурчаги бор, буни ҳамма билади. Саёқ газета сотувчилар югуриб-елиб ўтиб туришибди. Уларнинг даҳанлари, машиналар шовқинидан ҳам баланд овозлари бор; оёқлари ҳам бакувват, уларнинг бу қувватига кампирнинг ҳаваси келади.

— «Либерти»ми?.. Марҳамат!

Бу саҳий мижозлардан бири эди.

— Қайтими керак эмас, онахон.

Кампирга эллик сантим ёки бир франк бериб, қайтимини кутмай маишат ва ташвишлар шаҳри бўлмиш Париж қўйнига фарқ бўлувчилар ҳам анчагина. Аслини олганда, улар кампирга раҳм қилишади. Ва фақат шу раҳмдил мижозлари туфайлигина кампир савдоси юришмаган пайтларда ҳам бир амаллаб кун кўради. Бир йилдан бери, ишсизлар ва муҳожирлар ҳам газета сота бошлаганидан бери кампирнинг савдоси яхши юришмайди. Ишсизлар муҳтожликдан у билан рақобат қилишса, ёшлар эса заводда ишлашдан газета сотишни афзал кўришади. Кампир газеталарини сота олмаса тақсимотчидан ҳақорат эшитарди.

Баъзида иши бир мунча ўнғланади, мижозлари кўпаяди. Ўшанда кампирнинг умиди тикланар, ёдига 1914 йил, илк бор газета сота бошлаган йили тушарди. Уруш бошланганда бошқа юзлаб аёллар қатори у ҳам бева эди, аммо бахтига устага шогирд тушган алпқомат ўғли бор эди. Аёл урушни ўз бошида синаб кўрди. У пайтларда сотувчилар ҳам кам эди, оқшомлари одамлар газеталарни худди нон сингари таллашиб-тортишиб олиб кетишарди. Агар 1918 йил августида ўғлидан қора хат олмаганида бу йилларни, шубҳасиз, аёл ҳаётининг энг бахтиёр дамлари дейиш мумкин эди. Мана, ўшандан бери у ёлғиз, ўшандан бери шу майда савдонини давом эттириб келади. Касбидан нолимайди, ҳар бир газетадан ўн сантимдан фойда кўриб кун



кечиради; кайфияти яхши бўлган кунлари у ҳатто бу дангасанинг ҳунари деб ҳазиллашади ҳам.

— «Пари Суар», кеб қолинг!

Овози зўрга чиқади, ўзи буни сезмайди. Соат етти. Муассасаларнинг эшиклари ёпилди: аёллар, эркаклар метрога ошиқишмоқда. Баъзи бировлари кампирнинг олдида тўхтаб газета олишади, унга хайрли кеч тилаб ўз йўлларида давом этишади. Худди мана шу пайтда кампирнинг қўли-қўлига тегмайди: кўзлари равшан, қулоқлари зийрак. Кампирнинг ёнгинасида чўян панжарага суяниб бир тўда ёшлар туришибди: жуфт-жуфт йигит-қизлар нималарнидир шивирлашади. Кампирнинг уларга қарашга вақти йўқ, на ёқилган чироқлар ва на йўловчилар халақит беради уларга. Ўтган ҳафта бу ерда бошқалар турган бўлса, бу ҳафта бошқалари кучоқлашишади, кетидан уришишади. Севишганлар! Ўзининг ҳам бу даврини кампир фақат хотирасининг энг тубидангина топа олади. Сил касали билан оғриган эри қирқ икки ёшида кўз юмган. Ўшандан бери у бошқа бировни севмади. Тирикчилик билан бўлиб, у ҳақда ҳайлашга ҳам улгурмади.

Мана энди кампир ҳаётдан, унинг лаззатидан бебахра, азоблари эса чексиз. У ҳаётни фақат шу кўчада кузатади, ўзини гўё жўшқин дарё қирғоғида тургандек ҳис қилади. Уни оқим қирғоққа итқи-тиб ташлаган, ҳаракатдан қолдирган, тилини олган. У энди бахт, қувонч ва ишонч нималигини билмайди, аксинча унинг доимий ҳамроҳлари азоб-уқубат ва ёлғизлик; оломон ўртасида бўлса ўзини ёлғиз сезади.

Соат етти ярим. Севишганлар ғойиб бўлишди. Дўконча ёпилди. Қаҳвахона бўшаб қолди. Машиналар камайди. Кечиккан йўловчилар ичида — баъзи мижозлар. Кампир газеталарини санайди. Яна қирқ... эллик... олтмиш иккита қолибди. Яна шунча-я? Балки санокда адашгандир? Аммо унинг на қайта санашга журъатию ва на бугунги муваффақиятсизлигининг сабабини ахтаришга хоҳиши бор. У молини йиғиштира бошлади. Газеталарини қора матодан тикилган каттакон сумкага солади, сумкага сиртдан тикилган чўнтакчада сариқ чақалар жиринглайди. Йўлга тушар экан кампирга шу тангалар ҳам оғирлик қилар, қаддини букарди.

— Ўғлим, курсингизни келтирдим, — деди кампир официантга қаҳвахонага кирар экан.

Унинг ҳақиқий ҳолатини юзидаги табассум яширади. Шу ерда бироз ўтирсаммикан? Ўтириб қаҳва буюриш қимматроққа тушади: кампир пештахтага суянди, сотувчи унга одатдагидек сутли қаҳва қуйиб, сўради:

— Қалай, савдо яхшими?

Кампир жавоб ўрнига нималарнидир гўлдиради, қаҳвани ича бошлади. Буғланиб турган қаҳва томоғини қизитар, октябр оқшомидаги совуқни баданидан ҳайдаб чиқарарди. Шу ерда, ёруғ ва ёздагидек иссиқ бинода қолсам, — дея ўйларди кампир — қанчалар яхши бўларди. Аммо ёшлар бу ерда — пештахта олдида ҳам кўчадагидек бир-бирларига суйкаланишади, кампирни туртишади. У бир тўғрам нонни қаҳвага ботириб, оғзига олиб борди. Аммо энди ютмоқчи бўлганида томоғига тикилди. Наҳотки, кампир қаршисидаги кўзгуга қаради: наҳотки шу қария унинг ўзи бўлса? Чўққи бурун устида кўзойнак, рангсиз ёноқларда ажинлар, чуқурчалар, мотам либосини эслатувчи пальтодан чиқиб турган кулгили бош. У ўзига-ўзи илк марта, гўё бир бегонага қарагандек тикилиб турарди... У осилиб турган кумушранг ва оппоқ сочларини тезгина қалпоғи тагига яширди ва атрофидаги латофатли

аёллар орасида, ёш ва қувноқ чехралар орасида бир доғ бўлиб турган бу қарияни тезроқ унутиш учун кўзгудан юз ўгирди.

Ташқарида эса ҳақиқий киш. Шошилиб кетаётган йўловчиларга етиб олиш ўлимдан ҳам қийин! Газеталар кампирга оғирлик қилар, сумканинг елкасини шилаётган тасмаси молнинг нўхтасига ўхшарди. Кампир майда қадамлар билан хиёбон томонга юрди. Ўнг қўлида бир дона газета, чап қўли сумкасининг тагидан тутгани ҳолда мункайиб кетмоқда.

— «Пари Суар»нинг сўнгги номери! «Интран», «Пари Суар»ни ўқинг.

Чорраҳа ортда қолди. Мана у, яна тротуар устида илгаридек судралиб кетмоқда. Бундай яшагандан кўра ўлиб қўя қолса бўлмайдими?! Ўлса оқшомлари шу лаънати газеталарни сотишдан қутуларди, йўқса — бу ишнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ. У дунёда чарчоқ нималигини билмасди, шу дамдагидек бўғилиб нафас олмасди, совуқдан — фақат метродагина жон сақлаш мумкин бўлган шу зах ва бешафқат совуқдан ортиқ азоб чекмасди.

Кампир метронинг «Шимолий» бекатига тушди. Ер ости ишсизлар, йўқсиллар, ўзига ўхшаб совуқ уйларини иситишга имкониятлари йўқлар билан тўла. Бахтиқароларнинг ҳар бири бу ерда жон сақлаш учун кунига етмиш сантиметр тўлашга мажбур.

Кампир совуқ шамол эсаётган йўлақлардан тезгина ўтиб, перронга чикди. Ўзига иссиқ ҳаво урилди, чироқлардан кўзлари қамашди. Бу ер ҳам худди қаҳвахонадагидек иссиқ экан, пичирлади кампир ўзига-ўзи. Савдо бошланди, ҳар томондан уни чақира бошлашди. Ер ости зерикарли, баъзи йўловчилар газета сотиб олиб поездлари келгунча ер усти янгиликлари билан танишишади.

Ўзи сотилаётган газеталарда нималар ёзилишидан кампир беҳабар. Уруш пайтида, ўғли фронтдалигида у ҳам газета ўқиб турарди. У одамлар баъзи бир хабарлар устида қизгин тортишишларини биларди, ўшанда ўзи ҳам қизиқиб қоларди. Билсаки, қайси бир министр ишдан олинган, ёки бирор машхур одам ўлдирилган ва ёки дунёнинг аллақайси бир бурчагида уруш кетаётган бўларди. Ҳа, чиндан ҳам бу газеталар ўлганлар, жиноятлар, жанжаллар ва урушлар ҳақида ёзишади, холос. Икки-уч йилдан бери кампир уларни ўқимайди ҳам — улар расмлар билан тўла. Қалин кўзойнақларини тақиб расмларга қараса, дунё воқеалари кўз ўнгида рўй беради: қўшинлар кетида қўшинлар ўтади, кемаларни ёнғин қоплайди. У ўзини худди кинотеатрда ўтиргандек ҳис қилади (дунёга келибдики, у ерга бирор марта ҳам борган эмас). Афтидан, бугун дунёда аҳамиятга молик бирор воқеа рўй бермаган, рўй берган бўлса ҳам одамлар унга лоқайд муносабатда. Йўқса, бугун газеталари ўтмаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин, бир тахлами қўлида қолиб кетадиганга ўхшайди. Бундан қатъи назар, кампирнинг тезгина ўз кулбасига қайтгиси, каравотга чўзилгиси келарди. Савдоси юришган кун у охириги поездни ҳам, метро хизматчилари ишдан чиқишини ҳам кутиб ўтирмасди. Аммо, бугун, бугун ҳам тунги соат биргача қоладиганга ўхшайди...

— Сўнгги хабарлар...

Яқинлашиб келаётган поезднинг шовқини унинг овозини босиб кетди. Поездга шошилган йўловчилар ҳам тарафдан уни туртиб ўтишади. Кампир ўз ишида давом этади: қўлида бир неча газета, сумкаси бўйнига осилган ҳолда перроннинг у бошидан бу бошига бориб келади, ўзи томон юрган

ҳар бир кишига нажот тўла кўзларини тикади.

Кампир гўлдирайди. У узун ёғоч ўриндикқа чўқди. Ўриндик сўянғич билан иккига ажратилган бўлиб, қарши томонда узун, баргранг пальтода бир кимса ухлаб ётарди. Оҳ, қанчалар ҳориди. Бир неча кундан бери «кампирнинг перрони»да янги пайдо бўлган лўлисифат газета сотувчи қиз уни шу аҳволда учратса борми?! Аммо кампир энди полициячи келса ҳам ўрнидан турмайди. Аста-секин кўзлари юмилди. Қандайдир бир шовқиндан уйғониб кетди. Шундоққина ёнгинасида, ўзи билан бир ўриндикда ўтирган қандайдир бир киши труба чалар, унинг атрофини оломон ўраганди. У ҳарбий марш чаларди, уни тугатиб «Денгиз шунқорлари» кўшигининг нақоратини такрорлай бошлади. У ё тен-так, ё бахтсизларнинг яна бири бўлса керак. Кампир қийналиб ўрнидан турди.

— «Либерти»... «Пари»...

Охирги сўз кампирнинг бўғзида қолиб кетди. Йўловчилар унинг, кампирнинг ноласига эмас, кувноқ мусиқага кулоқ беришарди. Бутунлай хароб бўлди! Поезд келиб қолди, кампир унга чикди, жой топиб ўтирди. Поезд уни олиб кетди, чайқалтириб-чайқалтириб олиб кетди, унинг нигоҳи эса ўзининг шишиқ сумкасига қадалган эди. Энди унга барибир; фикри ёди фақат бир нарсада: тўйиб ухласа бас. Йўловчилар туман пардаси ортидан кўринишади; мизғиб бормоқда эди, кимдир елкасига туртди. Харидор, шу бахтсиз куннинг сўнги харидори. Оҳ, қани энди бу унинг бутунлай охирги харидори бўлса эди...

Мана, кампир яна очиқ ҳавога чикди: у турган майдон бўм-бўш: чироқларнинг қизғиш нурлари узоқлашган сари ўз рангларини йўқотади. Кампир тор кўчалар бўйлаб борар, гўё қоронғулик бағридаги бир шуъла уни ўзига чорлаётгандек қадамлари бироз шахдамлашган эди. «Ўз макони»га етармикан, ета олармикан янги ҳаётга?! У бир бино тагидаги дарвозага кирди, қоронғу, бадбўй ва совуқ зинапоёга йўналди: анча баланд зиналар ярим яроқсиз. У учинчи қаватда туради. У ёққа чиққунча бирикки тўхтаб нафасни ростлаш лозим. Пайпаслаб эшикни очди, пайпаслаб стол устидан гугурт қутичасини олди, бир донасини чақиб, керосин чироқни ёқди.

Тун чўкиши билан ўзи бошпана топадиган бу ҳона бутунлай кўримсиз, тор ва ярим хароба бўлиб, кўчадагидек совуқ эди. У печкасини фақат аёзли кунлардагина ёқарди. Ҳаракат қилсанг исиб кетасан дейишади, қани бир кўрайликчи. У жун қалпоғини, сўнг пальтосини ечди, оғир хўрсинганча сумкасини стол устига қўйди, қаддини ростлади.

Кампир газеталарни ёйди.

— Э худойим, бунча кўп қолмаса.

Столнинг усти газеталар билан тўлди. Мана, улар, дахшатли расмлар, дўқ-пўписа сарлавҳалар, йўлдан уришлар, аянчли қичқириқлар... Уларни, тирикчиликка ўтказишга энди ёрдами тегмайдиган, қариялар ҳолига маймунлар йиғлайдиган замон келганидан дарак берувчи шу газеталарни кўргани кўзи йўқ. Ҳаммасини ёқиш керак, ёқиш! Қачонлардир чақон кир ювган, эндиликда эса сиёҳдай қорайиб, буришган, қуруқ қўллари билан гижим-гижим қилиб ташлади.

Бутун умринг бўйи машаққат билан ишласангу, қилган меҳнатинг сенга шу қоронғу ва шипшийдан хонадан, ёлғизликда бир кунмас-бир кун ҳаром ўлиб қолишинг мумкин бўлган шу хонадан бошқа нарса бермаса ғазабинг қайнайди, ярим кечада ҳам кулфатинг сабабчиларини ахтарасан киши. Кампир

ҳам уларни топганга, таниганга ўхшайди, киборли портретлари ўзи сотган газеталарда тез-тез учраб турадиган шу шахслардан ўч олгандек бўлади. У газеталарни, шу ифлос қоғозларни йиғди, бир қилиб гижимлади ва қутурганча деразадан бўшлиққа улоқтирди.

— Вой, менга нима бўлаяпти? — дея гўлдирайди у. — Алаҳсираяпманми?!

Тўсатдан у бўшаши, унсиз тин қотди. Ҳамёнидаги ақчани ҳисоблаб, астагина қаравоти томон юрди. Газета сотиш — дея ўйларди у — йўқсилларга мос касб. Аммо, эндиликда йўқсилларнинг ҳисоби йўқ, сотувчилар ҳам, уларнинг орасида эса муҳтожлик билан эрта тўқнашган ёшлар ҳам беҳисоб. Баъзи кунлари уларни кўриб кампирнинг ғазаб келарди, баъзида уларни ҳақоратларди. Энди улар унинг бурчагини эгаллашади, уни ишдан, ҳаётдан маҳрум этишади.

Оппоқ, майин, сип-силлик чойшаб ярқирайди. Кампир ён-верига қарайди: столнинг усти бўш, хонадаги нарсалар, эски, аммо ҳали асқотиш мумкин бўлган ҳар бир нарса ўз ўрнида. Унинг хонасида доимо тартиб ҳукмрон. Ювинсамикан, қўлларини ювсамикан? Париж ҳидидан, разолатидан халос бўлсамикан? Йўқ, эртага ювинади, ҳозир ётиш керак. Кампир қичқириб юбораёзди. Қаранга, у эсини йўқотибди, Биго кампирнинг эшигидаги гиламча тагига газета қўйишни унутибди — энди у эрталаб нима ўқийди?!

— Эсим қурсин, — дея такрорлади у қўлини ёниб турган пешонасига қўйиб.

Баъзида мияси бўм-бўш бўлса-да, ҳозир унинг фикри теран эди. Шу тун нимадир рўй беришини кўнгли сезиб турарди. Кампирни безгак тутди. Икки кундан бери у нима қиларини билмас, оёғига тош боғлаб қўйилганди, гўё.

— Агар ётиб қолсам? — деди ўзига-ўзи. — Ҳа, хонамнинг калитини эшикдаги гиламча тагига қўяман.

Нима бўлса ҳам Биго эрталаб калитни топади ва дугонасини кўргани киради. У чироқни ўчирди. Сўнг имиллаб ечина бошлади, узундан-узоқ тун совуғида тарашадек қотиб қолмаслик учун бутунлай ечинмади. Чўзилиб ётиш ва қаравотига тамоман ғарқ бўлиш учун яна бир ҳаракат кифоя. Мана, энди у кимир этмайди. Кампир охирги марта хаёлга толди; зимистонда кўз олдидан бирма-бир уйқаш расмлар ўтди, уларнинг ўрнини мана ўзи савдо қиладиган Парижнинг ўша бурчаги олди, мана у, метро перронидан у ёқдан-бу ёққа бориб келмоқда бамисоли Абадий Дайди<sup>1</sup> — айтганча, болалигида, ҳа, у ҳам бола бўлган, унга шу афсонани айтиб ухлатишарди! Оқшом газеталарини сотувчи Абадий Дайди! Аста-секин унинг ўйлари, ташвишлари, хотиралари ўзига узоқ бир ҳаётнинг ўйлари, ташвишлари, хотиралари бўлиб туюлди ва шу ғалати уйқуга кетар экан у бир оёғини одам совуқдан, ишдан, очликдан ва бошқа одамлардан ҳам халос бўлган дунёга, янги ҳаёт бошланадиган дунёга қўйди.

#### Французчадан Баходир ЭРМАТОВ таржимаси.

<sup>1</sup> Абадий Дайди — ўрта асрлар христиан афсонасидаги жухуд Агасфер. Улимга олиб кетилаётган Исо нафасини ростлаш учун Агасфернинг уида тўхтаганида уй эгаси уни ҳайдаб юборган. Бу қилмиши учун Агасфер бу дунёда абадий дайдишга маҳрум этилган.


# ҚУЁМИДАҲ АҲДОЗА

Тавсия этилаётган кўйлак меҳмонга, тантанали кечаларга кийиш учун мўлжалланган. Бу кўйлак чўзилувчан, сидирга ва майда гулли матолар бир-бирига бириктирилиб тикилади. Мато ранглари ҳам бир-бирига мос бўлиши керак. Кўйлак бўксагача тўғри, қолган қисми ва этаги қуёшсимон шаклда бичилган. Енгини дидга мослаб калта ёки узунроқ қилиш мумкин.



Андозани «Ўктамхон» ўқув маркази чевари Лобар ОДИЛОВА тавсия этади.

Размер — 40.

Кўйлак узунлиги — 75 см.  
 Елка кенглиги — 12 см.  
 Енг узунлиги — 18 см.  
 Чок ҳақи ташланмаган.  
 Ўлчамлари см. ҳисобида.



Бўкса - 80





## ГАРОЙИБ ЭНАГА

Бу воқеа тоғ қишлоғида рўй берган. Жажжи Иброҳимнинг отаси унинг туғилишига бир неча кун қолганида вафот этган. Унгача оилада яна етти нафар фарзанд туғилган эди. Табиийки, шундай катта оилани боқиш, рўзғор юмушлари ёлғизгина онанинг зиммасида эди. Шунинг учун кичкина Иброҳимга қарашга унда на куч, на вақт қоларди. Шу сабабдан кичкинтой кўпинча бир ўзи ёлғиз қолиб кетарди.

Кунлардан бир кун унинг онаси беланчақда ётган чақалоғидан хабар олгани киради-ю даҳшатдан чинқириб юборади. Чунки боланинг беланчағига қоп-қора баҳайбат илон чирмалиб олган эди!

Аёлнинг қичқириғини эшитиб чиққан қўшнилари унинг остонада беҳуш ётганини кўришади. Улар зўр-базўр онани ҳушига келтиришади ва кўргани илон эмас, рўё эканлигига ишонтирадилар. Ниҳоят, аёлнинг ўзи ҳам илон кўзимга кўринган бўлса керак, деб ўйлай бошлайди.

Аммо орадан тўрт ой ўтиб, аёл илонни яна кўради. У танаси билан жажжи Иброҳимни ўраб олган, боланинг гавдасидан тутганча, уни «атак-чечак» қилиб, юришга ўргатаётганди. Турмуш ташвишларидан чарчаган ва эрининг ўлими туфайли ҳамон дард чекаётган аёл илоннинг қаршисида тиз чўкканча дейди:

— Ўтинаман, бизни ўз ҳолимизга қўй! Боламинг ҳимоя қилгани унинг дадаси йўқ. Агар унга бир нима бўлса, мен буни кўтаролмайман. Илтимос, кет бу ердан!

Илон гўё аёлнинг сўзларини тушунгандай, боланинг ўтиришига кўмаклашади-да, судралиб

чиқиб кетади. Тасодифни кўрингки, ўша кундан кейин кичкина Иброҳим юриб кетади.

Бироқ илон энага бу оилага келишини қўймайди. У энди деярли ҳар куни келар, Иброҳимни ўйнатар, гавдасини тутиб, юришига ёрдамлашарди. Зотан, у хонага боланинг онаси йўқлигида кирар, аёл келиши билан хонадан судралиб чиқиб кетарди. Энди унинг рўё эмаслигига ҳамма ишониб қолганди. Чунки илонни қўшнилари ҳам бир неча бор кўришганди.

Орадан ойлар ўтиб Иброҳимнинг тили чиқди. Кичкинтой ҳам унга ўрганиб қолган, унинг олдидан ўйинчоқларини жимгина ўйнаб ўтирарди. Кунларнинг бирида хонага унинг онаси кириб қолади. Шунда илон «оғзаки шартномага» кўра, хонадан чиқиб кетади. Боланинг жаҳли чиқиб, онасига бундай дейди:

— Қаранг, сизни деб Македеш кетиб қолди!

Македеш исми нимани англайтиши ва у қандай пайдо бўлгани сирлигича қолди.

Илоннинг меҳрибончилигидан ҳайратда қолган одамлар бу воқеани марказга ёзиб юборишди. У ердан мутахассислар келиб, улар Македешнинг 21 ёшда, анча кекса, урғочи илон эканлигини аниқладилар. Кузда илон бутунлай ғойиб бўлди ва бошқа қайтиб келмади. Ерли аҳолининг айтишича, илон ўлган бўлиши мумкин.

Бу воқеадан хулоса шуки, тез орада бу дунёни тарк этишини ҳис қилган кекса илон қолган меҳрини инсон боласига бағишлаган аҳд қилганга ўхшайди. У шуниятда кичкина Иброҳимга ғам-хўрлик кўрсатган.

## ИТ-МУШУКНИНГ МЕҲРИ

— Қўшнимнинг Капитан лақабли зотдор ити бор, — деб ёзади уфалик Альфия Хусеинова. — У баҳайбат, меҳрибон ва ўзига яраша мустақил ит. Уни кўчага олиб чиқиб, сайр қилдиришнинг ҳожати йўқ. Ўзи учинчи қаватдан пастга тушиб, айланиб келади. Қайтиб келгач, панжалари билан эшикни «тақиллатади».

Кунлардан бир кун кўчага айлангани чиққан ит тишида ҳўл ва совуқдан тинимсиз қалтираётган мушук болани олиб келди. Уни қаердан толган ва нима учун уйга олиб келган, бунисини фақат унинг ўзи билади. Салобатли Ка-

питан ўзини меҳрибон онадай тута бошлади. Уни ялаб, тозалар, агар тўшамадан четга чиқиб кетса, тишлаб жойига ўтқазиб қўяр, унинг назарида, кимдир мушук болани хафа қилса, ирил-лаб, танбех берарди. Биз итнинг мушукка бўлган ғамхўрлиги тезда ўтиб кетса керак, деб ўйлагандик. Ҳечам-да! Капитан унга товоқчадан овқат ейишни ўргатди. «Асранди»нинг ҳамма хурмача қилиқларини кўтарар, у билан бирга ўйнади ҳам.

Қарангки, бу ғалати дўстлар ҳалигача бирга яшайди. Мушук бола улғайиб, катта мушук бўлиб кетган. Уй эгалари унга Юнга деб лақаб қўйишди. Унинг ўзи ҳам, қилиқлари ҳам ғаройиб. У ўзи мушук бўлишига қарамай, ҳар борада итга тақлид қилгани учун мушуксимон итга ўхшаб қолган. Бу кулгили жуфтлик кўчага айлангани чиқса борми, ҳар тарафдан одам ёғилади. Асфальт йўлдан ит билан мушукнинг ёнма-ён, дўстона кетаётганини кўриб, ҳайрон қолишади.

Уларнинг эгалари ҳам хурсанд. Жониворларнинг қил ўтмас дўст бўлиб кетгани уларнинг ўзи учун ҳам жумбоқ. Аммо вақти-вақти билан кўни-қўшнилари ўз-ўзларига савол беришади: ахир бир-бирига ашаддий душман бўлган ит қандай қилиб мушукни ҳимоясига олиши ва уни тарбиялаши мумкин?!

Қарангки, ҳайвонлар орасида ҳам агар жонивор боласининг ҳаёти хавф остида қолган бўлса, раҳм-шафқат биринчи ўринга чиқаркан. Бироқ ҳаётда шундай воқеалар бўлганки, йиртқичлар ўзларига фақат «емиш» бўладиган жониворларни ҳам асраб, катта қилишган. Демак, ҳайвонот оламида ҳам қайсидир маънода гўдакларнинг бегонаси бўлмайди, деган нақл амал қилар экан-да!





## ОНАЛИК ТУЙҒУСИ

— Тўрт яшар ўғилчамиз бор, — ҳикоя қилади уфалик М. Конюхова. — Соғлом, жуда шўх, кувноқ бола. Фақат бир нарсадан хавотирда қолгандик. У мутлақо гапиришни истамаётганди. Икки ярим ёшга тўлгач, қанчадан-қанча шифокорларга кўрсатдик, қаерларга олиб бормадик, дейсиз. Бола соқов ҳам, гаранг ҳам эмас, дейишди шифокорлар, аммо бизнинг қилган ҳаракатларимиз, логопедларнинг уриниши, бари бесамар кетди.

Боламизнинг тили чиқшига биласизми, ким сабаб бўлди? Пак лақабли итимиз!

Итимиз жуда ақлли. Бола туғилгач, сенга бу хонага кириш мумкин эмас, деб огоҳлантириб ўтирмадик. Унинг ўзи бу хонани четлаб ўтадиган бўлди. Ўғлимиз юра бошлагач, Пак уни узоқдан кузатиб турарди. Кунлардан бир куни ит думини ликиллатганча гўдакнинг олдига келди. Бу итнинг кичкина одамчага бўлган меҳр-муҳаббатини билдирар экан. Ушандан буён улар ажралишмайди. Пак унинг ҳар бир қадамини кузатарди. Боланинг каравотчаси ёнида ухлар, агар у йиқилгудай бўлса, ташвишли гингшиганча олдимизга келарди.

Улар соатлаб бирга ўйнашарди. Ўғлим кубиклардан уй қуради, Пак эса керакли ўйинчоқни унга узатиб турарди.

Кунлардан бир кун, ўғлим 2,5 яшарлик пайтида, болалар хонаси олдидан ўтаётди, ғалати овозларни эшитиб қолдим. Эшик тирқишидан қарадим у ҳайратдан донг қотиб қолдим. Ўғлим ит билан «гаплашаётганди!» Бу ўринда Пак сабр-бардошли логопедга ўхшар, қандайдир товуш чиқарар ва бола уни такрорлашини кутиб турарди. Ўғлим эса қиқирлаб кулар ва бир нарсалар, деб гўдранарди.

Кўз ёшларимни тиёлмай, хонага чопиб кирдим у ўғлимни маҳкам кучоқлаб олдим.

— Сен гапиришни биласанми? Қани, онанга бир нарса де-чи?!

Шунда ўғилгинам дона-дона қилиб Пак, ойи, дада! деб юборди. Қаранги, ўғлим Пакнинг номини биринчи бўлиб айтди...

Ўша кундан эътиборан Колямиз гапира бошлади...

Биз инсонлар хайвонларда онг йўқ, деб нотўғри фикр юритамиз. Аслида уларда ақл бор,

бўлаётган воқеаларни фаҳмлай биладилар. Кейинги йиллардаги мутахассислар тадқиқотлари хайвонлардаги оналик туйғуси ўта ривожланганлигини, уларда ҳам раҳм-шафқат борлигини тасдиқлади.

## КАКАЖОННИНГ АРЗАНДАСИ

— Кунларнинг бирида, — деб ёзади Г.Иванова исмли аёл, — товуқ катагида юрган мушук боласини кўриб қолдим. Юмшоқ-қина Тарғилой юм-юмалоқ кўзлари билан менга хавотирли қараб турарди. Уни ушлаб олиб, товуқхонадан чиқариб юбормоқчи



бўлдим. Аммо у пишиллаб, сапчиб, бир тирқишга беркиниб олди. Хуллас, уни тута олмадим. У ҳам товуқхонада яшайверди. Товуқлар ҳам негандир ундан чўчишаётганди, аксинча, мушук болани «асраб» олишгани шундоқ кўриниб турарди.

Кечқурун ишдан қайтгач, товуқхона эшигини беркитар ва мушук болага қараб, ўзимни аранг кулгудан тияр эдим. У шўрлик ўзининг кимлигини унутиб қўйган, чоғи. Мушукча ўзини товуқ бўлсам керак, деб ўйлаётганди. Қаранги, товуқлар билан кўноқда ўтирганча йиқилиб тушай деяётганди. Бир куни қарасам, мушукча гойиб бўлибди! Товуқхона ичини диққат билан кузатиб чиқдим, баралла кулиб юбордим: у жўжалар билан бирга товуқ қанотлари остига кириб олганди. Оппок патлар орасидан Тарғилойнинг юмалоққина юзчаси кўриниб турарди. Она товуқ эса мушук болани кўноқдан йиқилиб тушмаслиги учун меҳр билан ушлаб турарди. Ана шунақа гаплар!

**Мавлуда ИБРОХИМОВА**  
тайёрлади.

## ТЎРТИНЧИ МУҚОВАДА



## ЭНГ КИЧИК ГЎЗАЛ РАҚҚОСА

Истиклол халқимизнинг юрагидаги энг гўзал туйғуларни уйғотди. Айниқса, бу уйғоқлик ёшлар ҳаётида ўзига хос тарзда намоён бўлмоқда. Улар минг тори минг оҳангда куйлаётган жарангдор чолғуга, етти эмас, етмиш рангда товланаётган камалак жилоларига ўхшаб кунларимизга жозибали оҳанг ва ранглар бахш этмоқда.

Беназир ҳофиз Маъмуржон Узоқов куйлаган «Мустаҳзод» ашуласида муҳаббат алангаси гулхандай ёниб турса, энг замонавий бастакорларимиздан бири Султонали Раҳматовнинг «Товус», «Шарқ мелодияси» куйларида баланд шавқ-завқ, кенглик, бепеёнлик бор. Эндигина 15 баҳорни қаршилаган навнихол қизалокнинг ана шундай бетакрор куйларга қойиллатиб рақсга тушишни тасаввур қила оласизми?

Термиз шаҳар Ҳаким ат-Термизий номидаги 16-умумтаълим мактаби ўқувчиси Нилуфархон Юсупова Шоира Қурбонова, Зайтуна Абдуллаева каби таникли балетмейстерлар саҳналаштирган 30дан зиёд куй ва кўшиқларга рақс ижро этади. 2008 йилдаёқ ёш ҳаваскор санъаткорлар кўриктанловида «Энг кичик гўзал раққоса» номинацияси ғолибаси бўлган Нилуфар 2009 йилда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ўтказаяётган «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали ғолибаси бўлди. Ҳозир «Келажак овози» кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этмоқда.

— Муқаррама Турғунбоева каби раққоса бўлишни орзулайман, — дейди Сурхоннинг умидли ёш раққосаси Нилуфар Юсупова.

### SAODAT

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ХОТИН-ҚИЗЛАР  
ЖУРНАЛИ

4-сон (826) 2010 йил  
МУАССИС:

Ўзбекистон хотин-қизлар  
қўмитаси

БОШ МУҲАРРИР

Ойдин ҲОЖИЕВА

«SAODAT» КЕНГАШИ:

Фарида АКБАРОВА,  
Фарида АБДУРАҲИМОВА,  
Мукаррамхон АЗИМОВА,  
Ахрор АҲМЕДОВ,  
Инобат КАРИМОВА,  
Сувон НАЖБИДИНОВ,  
Шакаржон ХўЖАНИЁЗОВА,  
Мавлуда ХўЖАЕВА,  
Мунира ҚОРИЕВА,  
Ҳамротош ШОДИЕВА,  
Нигора ЁҚУБОВА.

Маҳмуда САЪДУЛЛАЕВА

(Бош муҳаррир ўринбосари),

Қутлибека РАҲИМБОЕВА



(масъул котиб).

233-68-10, 233-49-03

ФАКС (8371) 233-68-10.

Босмахонага 14.06. 2010 йил  
топширилди.

Қоғоз бичими 60x84 1/8.

Ботиқ босма. Шартли босма  
тобоқ 3,75. Нашр ҳисоб тобоғи 4,25  
1043-буюртма. Адади 7850.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва  
Ахборот агентлигида 0061-рақами  
билан рўйхатга олинган.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонаси.

Таҳририят ва босмахона манзили:

100029, Тошкент шаҳар,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Журнал таҳририят компьютер  
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайн ғояси

О. ОТАМУРОДОВАНИКИ.

Безовчи рассом

Хуршид ЗИЁХОН.

Саҳифаловчи

Анвар МУСАХЎЖАЕВ.

Журналдан кўчириб босилган  
материаллар «Saodat»дан олин-  
ди, деб кўрсатилиши шарт. Жур-  
нал ўз вақтида етиб бормаса  
Тошкент — 100000, Амир Темур  
тор кўчаси, 2. Республика «Мат-  
буот тарқатувчи» Акциядорлик  
компаниясига, «Saodat»нинг бе-  
заклари, ранглари сифатсиз  
бўлса «ШАРҚ» НМАК босма-  
хонасига мурожаат қилинг.



### ТВОРОГЛИ ТОРТ

**Масаллиқлар:** *Хамирага 8 дона  
тухум, 2 пиёла шакар, 2 пиёла ун  
солинади.*

*Кремига 500 гр. чучук творог, 500  
гр. қаймоқ ёки сариеғ, 1,5 пиёла қанд  
упаси даркор.*

Тухум оқини саригидан ажратиб шакар  
билан кўпиртирилади. Сўнг ун ва тухум са-  
ригини кўшиб одатдагидек бисквит учун ха-  
мир қорилади. Бисквит 30-40 дақиқа даво-  
мида ўртача оловда газ духовкасида пиши-  
рилади. Тайёр бисквитни совугандан сўнг ик-  
кига бўлиб, қиёмга шимдирилади.

Орасига ва устига творог, қанд упаси ва  
қаймоқ ёки сариеғдан тайёрланган крем суртилади. Тайёр тортнинг усти  
шоколадли қиём ва кокос қириндиси билан безатилади.

### ТВОРОГЛИ ПИРОГ

**Масаллиқлар:** *Хамирага 250  
гр. «Яйла» маргарини, 5 та тухум  
сариги, 3 пиёла ун, 0,5 ст.  
писта ёғи, 0,5 пиёла қатик,  
1 пиёла шакар, 1 қути хамир  
юмшатувчи кукун керак бўлади.*

*Пирог устига солиш учун:  
1 кг. творог, 1 пиёла шакар,  
2 та тухум керак.*

*Безе учун: 5 та тухум оқи,  
1,5 пиёла шакар зарур.*

Маргарин ун билан яхшилаб ийланади. Бошқа бир идишда тухум са-  
риғи шакар билан кўпиртирилади. Устига қатик, писта ёғи, хамирни юмша-  
тувчи кукун кўшилади. Тайёр масса ийланган унга кўшилиб, юмшоқ хамир  
қорилади. Тайёр хамир духовка патнисига ёйилади. Устига шакар ва тухум  
кўшилган творог куйилиб, газ духовкасида 40 дақиқа давомида ўртача оловда  
пиширилади. Пишгандан сўнг пирог духовкадан олиниб устига тайёрлан-  
ган безе суртилиб яна 10 дақиқа давомида газ духовкасида пиширилади.  
Бу пишириқни меҳмон дастурхонига тортсангиз бўлади.



### ОШГАН ХАМИРЛИ ТВОРОГЛИ ПИРОГ

**Масаллиқлар:** *Хамири учун 0,5 литр  
сут, 200 гр. сариеғ, 0,5 пиёла писта ёғи,  
4 дона тухум, 1,5 пиёла шакар, таъбга  
кўра туз, 50 гр. хамиртуруш, ун олинади.*

*Хамир орасига солиш учун: 1 кг.  
творог, 200 гр. шакар, 2 та тухум даркор.*

Ярим литр сутни илитиб юқорида айтил-  
ган масаллиқларни кўшиб, юмшоқ хамир  
қорилади. Хамир 2 соатга иссиқ жойга оши-  
риш учун ўраб кўйилади. Ошган хамир икки-

га бўлиниб орасига творогли масса солинади ва газ духовкасида паст оловда  
40-50 дақиқа давомида пиширилади. Тайёр пирог духовкадан олиниб ис-  
сиқлигида устига қанд упаси сепиб, дастурхонга тортилади.

Куйида тавсия этилаётган творогли пишириқлар кальций моддасига бой,  
хушхўр ва тўйимлидир.

**М. ЭРГАШЕВА тайёрлади.**

Саховатпеша ҳомийлар:  
учун реквизитларимиз.

Тошкент. Буюк Турон, 41.

тел/факс: 2336810

Х/р 20210000804784979001

ИНН 206996603 МФО 00986

ОАТ ТУРОН БАНК

МИРОБОД ФИЛИАЛИ

«Saodat» jurnali—

ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

### Муҳтарама опа-сингиллар!

«Saodat» журналига 2011

йил учун обуна бошланди.

«Saodat» индекси — 867.

Битта сони — 1750 сўм.

6 ойга 7000,

1 йилга 14000 сўм.

Бу нархга почта ва йўл  
харажатлари кирмайди.

## ПАРДОЗ ТОКЧАСИ

Кичкинтойлар учун алоҳида, фақат ўзига хос парвариш воситалари зарур. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «**BIOLINE KOSMETIKS**» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонасида болалар учун махсус крем ва соч ювиш, ювиниш воситалари ишлаб чиқарилади.

**Мойчечак (ромашка)ли** — янги туғилган чақалоқлар баданига сурилса, оёқ-қўллари енгил уқаланса, ундан хуш бўй таралади. Ҳар хил ҳидларни олади. Терисини майинлаштириб, шамоллашдан асрайди.

**Иттиканак (череда)ли** — терининг яхши нафас олишига ёрдам беради. Иссиқ-совуқ таъсирлардан, тошмалардан сақлайди.

**Тирноқгул (календула)ли** — турли фойдали витаминларга бой бу кремдан фойдаланиш чақалоқлар ҳамда йўлга кирган болакайларга хуш келади. Айниқса, қуруқ териларни майинлаштириб, юмшатади.

**Сабур (алоэ)ли** — тери учун энг яхши озуқадир. Агар кичкинтой бехосдан бирон жойини шилиб олса, малҳам ўрнида ҳам фойдаланиш мумкин.

Кичкинтойларимиз бағримиз, ёнимизда соғлом, хушбўй ва қувноқ юрсин десангиз, «**BIOLINE KOSMETIKS**» маҳсулотларини харид қилинг, кам бўлмайсиз.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100020.

Гулбод мавзеси, 3/46.

«**BIOLINE KOSMETIKS**»

Телефон: +99 (371) 242-32-95

# ТОЗА, ТАБИИЙ, ФОЙДАЛИ

## ТАБИИЙ КОСМЕТИКА

# BIOLINE



— Мукаррама  
Турғунбоева  
каби раққоса  
бўлишни  
орзулайман,  
— дейди  
Сурхоннинг  
умидли  
ёш раққосаси  
Нилуфар  
ЮСУПОВА.



ИНДЕКС: 867  
Сотувда эркин нархда